*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

22 август 1972 йил, сешанба ◆ № 196 (15.367). ◆ Баҳоси 2 тийин.

*КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА*

# СОВЕТ КИНЕМАТОГРАФИЯСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети «Совет кинематографиясини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда совет кинематографиясининг коммунистик қурилиш ишидаги, совет кишилари дунёқарашини, маънавий эътиқодларини ва эстетик дидларини шакллантириш ишидаги аҳамияти ошиб бораётганлиги таъкидланган. Кейинги йилларда яратилган бир талай фильмларда революцион тематикани гавдалантириш иши давом эттирилган, меҳнаткашлар оммасининг социалистик ижтимоий тузум ғалабаси ва уни мустаҳкамлаш учун фидокорона кураши тасвирланган. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жаҳоншумул тарихий шижоатини тараннум қилувчи ёрқин ва ҳаққоний картиналар экранга чиқарилди. Янги инсонни тарбиялаш проблемалари тўғрисидаги баъзи бир фильмлар, шунингдек машҳур адабиёт асарларини экранлаштирувчи айрим лента-лар томошабинларинг муносиб тахсинига сазовор бўлди.

Кўпгина ёш талантли режиссёрлар, сценарийчилар, операторлар, актёрлар кинематографияга кириб келганлиги қарорда таъкидланган.

Иттифоқдош республикаларда кинематография муваффақиятли ривожланмоқда. Кинонинг ишлаб чиқариш базаси кенгаймоқда, мамлакатнинг кино тармоғи ўсмоқда. Ҳар куни кинотеатрларнинг ўзида 13 миллиондан ортиқ томошабин кинофильмларни кўрмоқда.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитетининг фикрича, совет кинематографиясини ривожлантириш учун мавжуд бўлган имкониятлардан унчалик актив фойдаланилмаётир, унинг савияси КПСС XXIV съезди ўртага қўйган талаблар даражасида эмас.

Совет санъатининг ғоявий-эстетик мезонларига ва томошабининг юксак талабларига мос келмайдиган фильмлар кўпинча экранга чиқиб қолмоқда. Кинематограф ҳозирги замоннинг энг муҳим жараёнларини бадиий гавдалантиришда юзакичиликка йўл қўймоқда. Совет халқи партия раҳбарлигида амалга ошираётган иқтисодий ижтимоий ва маданий ўзгартишларни кўрсатиш, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлилар қаётида содир бўлаётган муҳим социал ўзгаришларни тасвирлаш, партия билан халқнинг фан-техника революцияси ютуқларини социалистик тузум афзалликлари билан узвий равишда боғлаб юбориш йўлида олиб бораётган курашини кўрсатиш учун имкони бўлган ҳамма ишлар қилинаётир, деб бўлмайди.

Меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш учун, социалистик миллатлар равнақи ва яқинлашуви, СССР халқлари қардошларча дўстлигининг мустаҳкамланиши жараёнларини ҳар томонлама тасвирлаш учун кинематограф имкониятларидан тўлатўкис фойдаланилмаётир.

Айрим кинофильмларда ғоявий собит қадамлик, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини очишга аниқ синфий ёндошиш етишмаяпти. Ҳаётни ленинча партиявийлик позицияларда туриб ҳаққоний кўрсатиш ўрнига бундай асарларда воқеалар ва фактлар юзаки, бир томонлама, баъзан эса нотўғри талқин этилади. Чет эл кинематографининг социалистик реализм санъатига ёт усулларига танқидий қарамай, улардан нусха кўчиришга уриниш ҳоллари ҳам содир бўлди.

Кўпгина кинематографчилар ривожланган социалистик жамият шароитида яшаб турган замондошимизнинг жозибадор образини яратиш учун бадиий воситаларнинг ҳамма бойликларидан фойдаланмаётирлар. Мунтазам характерга, инсоний жозибага эга бўлганлиги, коммунистик идеалларга садоқати билан ўзига жалб этувчи қаҳрамонлар экранда камдан-кам кўринмоқда. Айни вақтда чуқур ижтимоий манфаатлардан ва қатъий маънавий эътиқодлардан маҳрум бўлган персонажларга ортиқча эътибор берилмоқда.

Бадиий публицистика лозим даражада ривожланмаган. Халқаро майдондаги синфий курашнинг ўткир ғоявий-сиёсий масалаларига бағишланган фильмлар деярли яратилмаётир.

Болалар ва ўспиринларга аталган, ёш авлодни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида, коммунистик ахлоқ принциплари руҳида тарбиялайдиган мароқли, бадиий мукаммал фильмлар кам чиқарилмоқда.

КПСС Марказий Комитети шуни таъкидладики, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография комитети мамлакатда кино санъатининг ривожига давлат раҳбарлигини дуруст амалга оширмади, аниқ мақсадни кўзловчи репертуар сиёсатини таъминламади, лозим даражада талабчанлик ва принципиаллик кўрсатмади, кўп ҳолларда чиқаришга фильмларга баҳо беришга паст ғоявий-бадиий мезонлар билан ёндошди. Аввал бошдан мукаммал бўлмаган сценарийлар кўра билатуриб, кўпинча ишлаб чиқариш учун қабул қилинаверди, фильмларни экранлаштириш зарур профессионал тайёргарлиги бўлмаган режиссёрларга топширилди. Маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирларидан юксак сифатли асарлар яратишда лозим даражада самарали тарзда қўлланилмади.

СССР Кинематографчилар союзи совет кино санъати савиясини ошириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмаётир. Союз кино ходимларининг ижоди ғоявий-эстетик йўналишда бўлиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиши, уларнинг профессионал маҳоратини ўстириш, улар ҳаётни чуқур ўрганиш проблемалари билан зўр масъулиятни сезиб шуғулланиши керак.

Совет кинематографиясини янада ҳар томонлама ривожлантириш, унинг ғоявий-бадиий савиясини ошириш, унинг революцион анъаналарини чуқурлаштириш, кинонинг коммунистик қурилишдаги, жамият маънавий ҳаётидаги ролини ҳисобга олиб, СССР Госкино-сининг, мамлакатдаги барча кино ходимларининг энг муҳим вазифаси эканлиги КПСС Марказий Комитетининг қарорида таъкидлаб ўтилди.

Кино санъати кенг оммада марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда, одамларни кўп миллатли социалистик Ватанимизга чексиз садоқат, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашда, коммунистик ахлоқий принципларни қарор топтиришда, буржуа идеологияси ва ахлоқига, майда буржуа сарқитларига, олга боришимизга ҳалақит бераётган ҳамма нарсаларга муросасиз бўлишга актив кўмаклашиши керак. Тематикаси, жанрлари ва услублари жиҳатидан ранг-баранг бўлган ҳамда социалистик реализм санъатининг энг яхши анъаналарини ривожлантирадиган юксак даражада бадиий кино асарлари яратиш — режиссёрлар, сценарийчилар, операторлар, актёрларнинг, барча кино арбобларининг фахрли бурчидир, дейилади қарорда.

Совет бадиий ва ҳужжатли киносидан коммунистик бунёдкорлик ва янги инсонни тарбиялаш жараёнини, барҳаёт Ленин ғояларининг амалга оширилаётганлиги, дунёни социалистик тарзда ўзгартиришдаги тарихий муваффақиятлар моҳирлик билан тасвирлаб берилиши керак. Кино асарларида совет халқининг КПСС раҳбарлигида босиб ўтган қаҳрамонона йўлини, коммунистик қурилиш ҳозирги босқичидаги зафарларни, жамиятимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги муттасил мустаҳкамланиб бораётганлигини чуқур акс эттириш лозим, совет кишисининг меҳнати ва шижоатларини, унинг бой ички дунёсини тасвирлашга, жамиятимизнинг ғоявий ва ахлоқий фазилатларини, совет турмуш тарзини қарор топтиришга кўпроқ эътибор бериш керак.

Ленинча миллий сиёсатнинг моҳияти ва маъносини кино воситалари ёрдамида кўрсатиш, совет миллатлари ва элатларининг равнақ топиб, яқинлашаётганлигини, уларнинг иқтисодий, социал ва маданий ривожланишдаги муваффақиятларини акс эттириш зарур. СССР халқларининг дўстлиги, социалистик интернационализм мавзулари, миллий маҳдудлик ва хурофотларнинг кўринишларига қарши кураш мавзуи муносиб ўрин олиши керак.

Кинематографчиларнинг муҳим вазифаси шуки, улар мамлакатимиз ёш гражданларининг ғоявий-ахлоқий камол топиб, ҳар томонлама ривожланишига актив таъсир ўтказишлари, уларда социалистик Ватанга муҳаббат, Коммунистик партия ишига садоқат, социализм душманларига, реакция ва агрессия кучларига муросасизликдан иборат олижаноб туйғуларни вояга етказишлари лозим. Социализм ғалабаларини, партия билан халқнинг қаҳрамонона ютуқларини кўпайтира оладиган, коммунистик жамиятни муваффақиятли равишда қурадиган одамлар авлодини камол топтиришга ёрдам берувчи мукаммал асарлар яратилсин.

Кинематография корхоналари ва муассасаларидаги бошланғич партия ташкилотлари ижодий кадрларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари, коллективларда танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга кўмаклашишлари, кино соҳасида ишлайдиган ҳар бир коммунистнинг кино санъатини янада ривожлантириш учун бўлган масъулиятини оширишлари керак.

КПСС Марказий Комитети СССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитети (СССР Госкиноси)га ушбу қарорда кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун зарур чораларни кўриш ҳамда киностудияларга кино корхоналарига, кинолаштириш ва прокат органларига ғоявий-ижодий ва ишлаб чиқариш раҳбарлигини кучайтиришни таъминлашни топширди.

КПСС Марказий Комитети сценарийнинг кино санъати асарларига асос бўладиган ва кўп жиҳатдан уларнинг ғоявий-бадиий қимматини белгилаб берадиган аҳамиятини таъкидлаб, СССР Госкиносига сценарий ишини тубдан яхшилашни таъминлашни таклиф қилди. Шу мақсадда: фильмлар ишлаб чиқаришни перспектив планлаштиришни практикага жорий этиб, асосий тематик йўналишларни, жанрларнинг ранг-баранглигини, шунингдек ижодий ходимларнинг қайси масалалар билан кўпроқ шуғулланишлари мақбул эканлигини кўзда тутилсин; СССР Госкиносига ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларига ва совет халқининг қаҳрамонона тарихига бағишланган салмоқли асарлар яратиш мақсадида совет киносининг етакчи усталарига ҳар йили 15—20 та давлат буюртмасини бериш ҳуқуқи берилсин; Марказий сценарий студияси тузилсин; сценарийлар ёзишга талантли адиблар янада активроқ жалб этилсин, сценарийларнинг конкурслари мунтазам равишда ўтказиб турилсин, кино драматургиянинг энг яхши асарларини нашр этиш таъминлансин.

Қарорда болаларга аталган кинони анча ривожлантириш зарурлиги уқтириб ўтилган. М. Горький номли болалар ва ўсмирлар фильмлари Марказий киностудияси асосан болаларга аталган фильмлар яратиши назарда тутилади, мамлакатнинг ҳамма киностудияларида болаларга аталган фильмлар чиқариш кўпайтирилади.

СССР Госкиносига ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Маориф министрлиги билан биргаликда болаларга аталган фильмлар ишлаб чиқариш перспектив планини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети СССР Госкиносига тегишли министрликлар ва идоралар билан биргаликда халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш ишида, совет кишиларининг материалистик дунёқарашини шакллантиришда, табиий-илмий ва социал-иқтисодий билимларни, илғор тажрибани пропаганда қилишда ўқув ва илмий-оммабоп кинодан янада активроқ фойдаланиш тадбирларини амалга оширишни топширди. Ўқув юртларининг программаларига мувофиқ, ўқув фильмларини ишлаб чиқариш перспектив тематик планлари ва улардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилсин.

Қарорда кино ишлаб чиқаришни ташкил этишни ҳамда студияларни ва кино ходимларини моддий рағбатлантириш системасини такомиллаштириш, киностудиялар билан постановкачи режиссерлар ўртасида шартнома асосидаги муносабатларни жорий қилиш; мамлакат киностудияларини ва кино шоҳобчасини замонавий талабларга мос келадиган асбоб-ускуналар ва кинопленка билан таъминлаш; кинематография ўқув юртларидаги таълим-тарбия жараёнини яхшилаш, ёш кино ходимларининг ғоявий-сиёсий ва профессионал тайёргарлигини кучайтириш, уларнинг ҳаёт билан боғланишини мустаҳкамлаш ҳўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитети телевиденениенг буюртмаси билан бадиий фильмлар яратишни киностудияларнинг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитети СССР Кинематографчилар союзига ижодий кадрларни тарбиялашни яхшилашни, уларда ўз меҳнати учун масъулият туйғусини оширишга кўмаклашишни, экран усталарининг эътиборини коммунистик қурилишнинг актуал проблемаларига қаратишни тавсия қилди. Кинематографчилар союзи, дейилади қарорда, кино санъатининг туб масалаларини мунтазам равишда муҳокама қилиб туриши, ҳамма чинакам новатор, талантли асарларни қўллаб-қувватлаши, нотўғри тенденцияларни ва занф асарларни принципиал танқид қилиши керак.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар партия комитетларига студиялар ва кино ташкилотлари фаолиятига партия раҳбарлигини яхшилаш, кинематографчиларнинг совет воқелиги жараёнларини ва ҳодисаларини чуқур ўрганишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, партиянинг бадиий ижодиёт масалаларига доир қарорлари муттасил амалга оширилишига эришиш вазифасини топширди.

Партия комитетлари совет кинематографиясининг ғоявий-бадиий савиясини ошириш вазифаларини бажаришда кино ходимларига ҳар томонлама ёрдам беришлари керак.

*

СССР — 50

ТУРКМАНИСТОН ҲАФТАЛИГИ

**СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА БОШҚА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ, ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАР ҲАТОРИ ҚАРДОШ ТУРКМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМ ГУЛЛАБ-ЯШНАМОҚДА. ЎРТА ОСИЁДАГИ РЕСПУБЛИКАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ СОВЕТ ТУРКМАНИСТОНИДА ҲАМ НИҲОЯТИ БИР АВЛОД ЎМРИ МОБАЙНИДА ШУНДАЙ УЛКАН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИКИ, БУ ИШЛАР ЎЗ МИҚЁСИ ВА КЎЛАМИ ЖИҲАТИДАН НЕЧА-НЕЧА АСРЛАРГА АРЗИЙДИ. ТУРКМАНИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ССР ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ЮБИЛЕЙИГА МУНОСИБ ТУҲФАЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР.**

**БУГУН ГАЗЕТАМИЗДА ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ҲАФТАЛИГИ НАВБАТИ ТУРКМАНИСТОНГА БЕРИЛАДИ. БУГУН ВА ШУ ҲАФТА МОБАЙНИДА БЕРИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРДА ҚАРДОШ, ЖОНДОШ РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИ МОБАЙНИДА ЭРИШГАН УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ҲИКОЯ ҚИЛИБ БОРИЛАДИ.**

# ҚУДРАТЛИ ДЎСТЛИК

**М. ҒАПУРОВ,**
**Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари**

Кўп миллатли совет давлатининг тузилиши ва ривожланиши — жуда мураккаб ва қийин социал ҳамда сиёсий масалани доҳолик билан ҳал этишнинг, пролетар интернационализми принципларини қарор топтиришнинг буюк намунасидир. Совет Социалистик Республикаларининг ягона ва монолит Иттифоқи мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг манфаатларини батамом уйғунлаштириб, амалда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ленинча принципини ифода қилди, миллий масалани ҳақиқатан ҳам демократик характерда ҳал этишнинг ёрқин намунаси бўлди.

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг арафаларидаёқ ёзган қатор асарларида Россиядаги барча меҳнаткашларнинг чинакам эркин ва ихтиёрий, мустаҳкам ва бузилмас иттифоқи тузиш зарурлигини кун тартибига қўйган эди. Тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий равишда, кўп миллатли Совет давлатига бирлашуви ва ўюшуви ҳамма халқлар ва элатларнинг асрий қолоқлигини жуда тез тугатиш учун шарт-шароит яратиб бериб, иқтисодий ва маданиятини юксалтириш, социализм ва коммунизм қуриш имконини берарди. Ҳақиқатан ҳам қардош республикаларнинг мустаҳкам иттифоқи, бузилмас дўстлиги, қардошлиги, ўзаро ёрдами туфайли чор Россиясининг чекка ўлкаси ниҳояти бир авлод умри мобайнида тараққиёт сари улкан қадамлар ташлаб, мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Мана шу чекка ўлка халқларининг тажрибасини эндиликда мустамлака қуллигидан қутилиб мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олган халқлар қунт билан ўрганаётганлигининг боиси ҳам мана шунда. Социалистик тузум халқни фаровон қилиб, миллий қайта туғилиш ва тараққиёт учун шарт-шароит яратиб беради, амалда чинакам озодлик, тенглик ва қардошликни рўёбга чиқарадики, бу нарса чет мамлакатлар халқлари учун жозибали бўлмай иложи йўқ.

Мамлакатимизда миллий муносабатлар коммунизм қуришнинг, марксча-ленинча идеологиянинг, иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ҳаётнинг бирлиги ва бу борадаги мақсадларнинг муштараклигига асосланади. Бир халқнинг иқтисодий ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг умумий мулкига айланади, ўзаро ёрдамнинг социалистик қонуни ҳамма учун жонажон ва жуда яқин иш бўлиб қолади. Ҳар бир халқ коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшишни, ўз социалистик Ватанининг қудратини мустаҳкамлаш ва кучига-куч қўшишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди.

Халқларнинг манфаатлари умумийлиги асосида миллатларнинг ривожланиши ва бир-бирига яқинлашуви ягона жараёни юзага келиб, социалистик турмуш укладининг интернационаллашуви кучайиб боради. Бу ҳол иқтисодий ва маданий қурилиш практикасини бойитиб, умумий юксалиш даражасининг кучайишига олиб келади. Иқтисодий-социал-сиёсий ва маданий юксалишнинг ленинча йўлини амалга ошириш, дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаш натижасида партиямиз миллатларнинг бир-бирига яқинлашувини таъминлади, ўтмишдаги қолоқликка барҳам бериб, ўз миқёси ва мураккаблиги жиҳатидан улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун тегишли шарт-шароит яратди.

КПСС XXIV съезди қўрсатмалари асосида ҳар бир қардош совет республикасини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиздаги миллат ва элатларни бир-бирига янада яқинлаштириш борасида катта ишлар қилинди. Бу яқинлашув миллатларнинг хусусиятлари, уларнинг социалистик маданияти тараққиёти тўла ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилмоқда. Бутун Совет Иттифоқининг умумий манфаатларини ҳар бир қардош республиканинг манфаатлари билан бирга кўшиб олиб бориш партиямизнинг бу борадаги сиёсати асосидир.

Партия бундан буён ҳам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлайверади, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида, — социалистик миллатларни гуллаб-яшнатиш ва уларни секин-аста яқинлаштиришдан иборат ленинча йўлни собит-қадамлик билан амалга ошира беради.

Мамлакатимизнинг бошқа Совет республикалари қатори Ўрта Осиё республикалари эришган муваффақиятлар мамлакатимизда бўлган хорижий меҳмонларни қойил қолдириб келмоқда. Улар бир вақтлар чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси бўлган Совет Шарқи республикалари тарихан қисқа вақт ичида феодализм боткоғидан социализм осмонига қай тарика кўтарилганлигини билишга қизиқишади. Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати, тенг ҳуқуқли республикалар иттифоқи, халқлар дўстлиги — мана шулар халқларимизни жаҳолатдан юксак маданиятга кўтарди. Доҳийимиз В. И. Ленин башорат қилганидек, Совет Ўрта Осиёси республикалари Шаркда социализм кўрғони бўлиб қолди. Бу кўрғон жаҳондаги жуда кўп халқлар учун жозиба кучига ёрқин машъалга айланди.

Туркманистон мисолида, унинг ўтмиши билан ҳозирги турмушини таққослаш мисолида халқ танлаган социалистик юксалиш йўли бирдан-бир тўғри йўл эканлигини кўриш мумкин. Масалага ҳар тарафлама чуқур ёндошадиган бўлсак Улуғ Октябрь ва Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати бўлмаганида совет республикаларининг мустаҳкам иттифоки ва халқларнинг бузилмас дўстлиги бўлмаганида туркманлар жаҳолат ва қолоқликдан чиқолмаган ўз тараққиётида социалистик қурилиш йилларида эришган муваффақиятларни кўнга киритолмаган бўлур эди.

Улуғ Октябрь Коммунистик партия халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Партиямиз ўтказган ленинча миллий сиёсат туфайли Ўрта Осиё халқлари шу жумладан туркман халқи ўз давлатига эга бўлди. Социалистик қурилиш жараёнида туркман социалистик миллати таркиб топди.

Маълумки, Туркманистон тараққиётнинг машаққатли капиталистик йўлини бошидан кечиргани йўқ. Ярим кустар саноат XIX аср охирлари ва XX аср бошларида вужудга келди. Бу саноат асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга асосланган эди. Шаҳарлар амалда революция арафаларида вужудга келди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ибтидоий усуллари мавжуд эди. Қуйидаги фактлар ҳам Туркманистоннинг ўша вақтлардаги аҳволини яққол тасвирлаб беради: бутун Закаспий бўйича 64 дона омоч ва бир неча ўнлаб сеялкалар мавжуд эди. Чорвачилик кўчманчиликка асосланганди. Сувга эса бой ва феодаллар эгалик қиларди.

Ўрта Осиё халқлари ўз тажрибаларида ким дўст ва ким душманлигини билиб олдилар. Улар большевиклар билан, улуғ рус халқи билан ва бошқа совет халқлари билан бир сафда бориши афзал билдилар. Туркманлар феодал ва хонлар ҳокимияти, чориз тузумининг қулдатини роса тортдилар. Улар вақтли ҳукуматни ҳам меньшевик ва эсерларни ҳам, инглиз интервентлари ва буржуа миллатчиларини ҳам кўрдилар. Улар фақат Советларгина тўғри йўлга бошлашини ўз тажрибаларида синаб кўрдилар.

Шу боисдан ҳам Туркманистон Советларининг 1925 йил февраль ойидаги биринчи таъсис съезди халқ иродасини амалга ошириб, Туркманистоннинг Совет Социалистик Республикалари Иттифокига ихтиёрий равишда кўшилажаги ҳақида қарор қабул қилди. Республика меҳнаткашлари совет халкларининг дўстона оиласида, қудратли социалистик давлат паноҳида эркинлик ва чинакам бахт-саодатга эга бўлишларини аниқ ҳис этдилар.

(Давоми иккинчи бетда).



АШХОБОД — Туркманистон ССР нинг пойтахти. Бу ерда Туркманистон ССР Фанлар академияси жойлашган.

В. Кошевой фотоси (ТАСС).

# ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИ ЯНГИ ҲОСИЛНИ КУТМОҚДА

**БУХОРО, («Совет Узбекистони» мухбири). Бухоро область пахта тайёрлаш трестига қарашли корхоналар, тайёрлов пунктлари коллективлари СССРнинг эллик йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб, янги пахта ҳосилини қабул қилиб олишга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдилар.**

**Еттита пахта тозалаш заводи, бир неча қуритиш ва тозалаш цехлари, 34 тайёрлов пункти, 100 дан ортиқ транспортер, тош-тарози хўжалиги, янги типдаги лаборатория ускуналари ва бошқа механизмлар ремонтдан чиқарилди. Бу техниканинг ҳаммаси область колхоз, совхозларидан ҳар неча-кундузда йиллик планнинг 9-10 проценти миқдорида пахтани қабул қилиб олишга имконини беради.**

**Тайёрлов пунктларининг барча товаршунослари ва лаборантлари қисқа курсларда тайёргарликдан ўтдилар. Ҳозирги вақтда улар колхозчилар, совхоз ишчилари ўртасида пахта йиғим-теримида ҳосилнинг намлигини, ифлослигини олдини олиш тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар**

**Вазифа — Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларининг 1972 йилги пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида»ги қарори асосида мавсумга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган барча ишларни саранжомсаришта қилиб бажаришдан иборатдир.**

**Т. НАЗИРОВ.**

# ТЕРИМГА ШАЙМИЗ!

Пахтакорларнинг ҳаётидаги долзарб кунлар — терим палласи яқинлашиб келмоқда. Далаларда ҳали чопиқ тракторларининг овози янграётган, ғўзалар суғорилаётган бўлса ҳам, деҳқонлар етиштирилган ҳосилни қандай қилиб яхшироқ ва тезроқ йиғиб-териб олиш ғамини емоқдалар. Пахтани машинада теришга катта эътибор берилмоқда. Биз. чўлқуварларнинг асосий умидимиз — техникага қаратилган

Шеробод даштининг чўлқуварлари ҳосилни машинада териш соҳасида дуруст тажриба орттиришган Ўлкамизда машҳур механик-ҳайдовчилардан Шоймардон Қудратов, Абдусатор Қурбонов, Светлана Продан ва бошқа кўпгина миришкорлар меҳнат қилмоқдалар. Бултур мен пахта териш агрегати бункеридан 600 тоннадан кўпроқ пахта тўкдим. Бу йил ҳам камида шунча пахта териб бермоқчиман.

Бригадада етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини қўл меҳнати ишлатмай териб олиш ва тайёрлов пунктига элтиб бериш белгиланган Менинг «Ўзбекистоним» теримга шай бўлиб турибди, пахта ташиладиган трактор тележкалари ҳам тайёр. Ҳозир биз далаларни машина теримига мослаб қўйишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ҳамма майдонлардаги ғўзалар бир текис ўсиб мўл кўсак тутган, битта ҳам бегона ўтни кўрмайсиз

СССРнинг ярим асрлик юбилейи шарафига гектаридан 60 центнер ҳосил кўтариш юзасидан олган мажбуриятимизни муваффақиятли бажариш учун бутун кучимизни сарф қиламиз

**О. ХУДОИНАЗАРОВ.**

**Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони**

СССР — 50
ТУРКМАНИСТОН ҳафталиги

# САҲРО БАҒРИДАГИ ДУРДОНА

## ҚУДРАТЛИ ДЎСТЛИК

[Боши 1-бетда].

Туркман халқи совет халқларининг қардошларча дўстона оиласида гуллаб-яшнади. Партиямизнинг ленинча миллий сиёсати, совет халқларининг дўстлиги, уларнинг бир-бирларига беғараз ёрдами, аввало улуғ рус халқининг, қаҳрамон ишчилар синфининг мадади туфайли ўлкамиз қиёфаси тубдан ўзгарди, бошқа совет халқлари билан бир қаторда социализм ва коммунизм қурилишида баравар иштирок этмоқдамиз. ССР Иттифоқининг ташкил этилиши ва мустаҳкамланиши туфайли Туркманистон меҳнаткашлари бошқа республикаларнинг меҳнаткашлари қатори янги ҳаёт қурмоқдалар, бунда улар бутун совет давлатининг буюк иқтисодий қудратига, унинг битмас-туганмас имкониятларига, мамлакатимизнинг улкан илмий потенциали ва мустаҳкам мудофаа қобилиятига таянмоқдалар.

Партиямизнинг мамлакатни индустрлаштириш сиёсати республикамизни қолоқ ўлкадан юксалган индустриал аграр республикага айлантириш, йирик механизациялашган қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш имконини берди. Туркманистон йирик саноат корхоналари билан қамраб олинди. Республикада саноат маҳсулотининг ҳажми 1913 йилдагига нисбатан 50 баравар ошди. Нефть, газ, химия ва саноатнинг бошқа муҳим тармоқлари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бултур республикамизда 15 миллион тонна нефть қазиб олинди. Бу — революциягача бўлган миқдордан 120 баравар ортиқдир. Тўқкизинчи беш йилликнинг охирги йилига бориб, нефть қазиб олиш 22 миллион тоннага етади.

Саноатнинг энг ёш тармоғи ҳисобланган газ саноати илдам ривожланади. Маълумки, Туркманистоннинг бағри табиий газга ниҳоятда бой. Шу беш йилликнинг ўзидагина мамлакатимиз бўйича қазиб олинадиган газнинг салкам тўртдан бир қисмини бизнинг республикамиз етказиб беради. 1965 йилдагига нисбатан газ қазиб олиш 15 баравар кўпаяди. Агар ўтган йили Туркманистон 15 миллиард куб метр газ етказиб берган бўлса, 1975 йилга бориб, 65-67 миллиард куб метрга етади. Улкан газ қувурлари «зангори олов»ни мамлакатимиз марказидаги жуда кўп саноат корхоналарига, шу жумладан Москва ва Ленинградга етказиб беради. Энергетика хўжалиги ғоят ривож топади.

Биз буларнинг ҳаммасига Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Узбекистон, Озарбайжон ва бошқа республикалар меҳнаткашларининг қардошларча ёрдами туфайли эришдик. Бугунги кунда СССР халқларининг жуда кўп вакиллари туркманлар билан елкама-елка туриб ишлаб, халқ хўжалигини юксалтиришда катта ютуқларга эришмоқдалар.

Ер-сув ислоҳотининг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигининг коллективлаштирилиши феодал-патриархал укладга барҳам берди, қишлоқда социалистик қайта қуриш жараёнини тезлаштирди, маданий революцияга йўл очиб берди. Қишлоқ хўжалигини, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши ва ҳаётини социалистик асосда қуриш учун база яратилди.

Мана шулар асосида ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи янада мустаҳкамланди ва кенгая борди. Бу ўзгаришлар, шунингдек қишлоқ хўжалигига кўплаб тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, ўғитлар етказиб берилиши юксак ривожланган қишлоқ хўжалигини вужудга келтирди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш революциягача бўлган даражадагидан беш баравар, пахта етиштириш эса 13 баравар кўпайди. Ўтган йили республикамиз пахтакорлари давлатга 920 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Қишлоқ меҳнаткашлари республикамиз ва Туркманистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейи нишонланадиган 1974 йилга бориб пахта етиштиришни 1 миллион тоннага етказишга азму-қарор қилганлар.

Туркманистон — суғориладиган деҳқончилик ўлкаси. Шу боисдан ҳам В. И. Ленин номли Қорақум каналининг республика экономикасидаги аҳамиятини баҳолаш қийин. Партия ва Совет ҳукумати туркман халқининг оби-ҳаёт ҳақидаги асрий орзусини рўёбга чиқарди. «Баҳт дарёси»нинг 860 километрлик трассаси жуда қисқа муддатда қуриб битказилди. Бу канални бутун мамлакат қуриб битказди.

Совет тузуми халқимиз ҳаёти ва турмушини тубдан ўзгартириб юборди. Лой ва қамишдан енгил-елпи ясалган ўтовлар ўрнини замонавий уй-жойлар олди. Боғ-роғлар, хиёбонлар кўпайди. Деҳқонларнинг уйлари замонавий ашёлар билан безатилиб, телевизор, радиоприёмник, газ, водопровод жуда кўп хонадонларга кириб келди. Қишлоқ посёлкаларида клублар, кинотеатрлар, кутубхоналар, умумий таълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари, маиший хизмат корхоналари, савдо марказлари қурилди.

Қардош Ўзбекистон, Тожикистон ва Озарбайжон республикалари билан социалистик мусобақамиз узоқ йиллардан буён анъана бўлиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларни оширишга ҳам имкон бермоқда. Бу анъанавий мусобақа ҳамкорликни кенгайтириш, интернационализм асосида совет халқлари дўстлиги ва қардошлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Маданиятни юксалтириш борасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Бугунги Туркманистон — ёппасига саводхон республикадир. Республикамизнинг ҳар уч кишисидан бири ўқиётганлиги фикримизнинг далилидир. Шаҳар ва қишлоқларда 1600 дан кўпроқ умумий таълим мактаблари бўлиб, салкам 600 минг ўғил ва қизларимиз ўқимоқда. Умумий ўрта таълимга ўтишни тугаллаш ҳамда умумий таълим мактаблари ишини янада ривожлантириш йўлида катта иш олиб борилмоқда. Давлат университети, қишлоқ хўжалик, политехника, педагогика институтлари, санъат педагогика институти, Губкин номли Москва нефть химияси ва газ саноати институтининг Небитдоғ, Красноводск филиаллари, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг филиали, 28 техникум, қунар-техника билим юртларининг кенг тармоғи республикамиз халқ хўжалигига мутахассислар етказиб бермоқда. Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Узбекистон, Озарбайжон ва бошқа қардош республикаларнинг олий ўқув юртлари ҳам маҳаллий миллат йигит ва қизларидан кўплаб малакали кадрлар етказиб бермоқда.

Республикамизда Фанлар академиясининг кўп тармоқли институтларида туркманлар билан бир қаторда Совет халқларининг бошқа вакиллари ҳам меҳнат қилмоқдалар.

Илгари адабиёт ва санъат нималигини билмайдиган халқнинг маданияти гуллаб-яшнамоқда. Ҳозир шаҳар ва қишлоқлардаги театрларнинг саҳналарида опера ва драма спектакллари, шу жумладан Совет ҳокимияти йилларида юзага келган миллий асарлар қўйилмоқда.

Совет халқлари, шу жумладан туркман халқининг маданияти юксалишида СССРдаги барча миллатлар ва элатлар миллатлараро ҳамкорлик қилишда эркин равишда танлаб олган рус тили ғоят катта роль ўйнамоқда. Рус тили совет халқларининг ўзаро алоқаси ва жипслашувида қудратли куч бўлиб, ватан ва жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларидан баҳраманд бўлишда бабаҳо чашма бўлмоқда. Рус тили орқали биз марксизм-ленинизм дурдоналаридан, рус ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлдик. Шу боисдан ҳам совет халқларининг гуллаб-яшнаши учун беҳад-беҳисоб имкониятлар яратиб бераётган рус тили мамлакатимиздаги рус бўлмаган ҳамма миллат ва элатлар учун иккинчи она тили бўлиб қолди.

Совет кишилари СССРнинг 50 йиллик юбилейини КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор режаларни амалга ошириш йўлида ғайрат-шижоат камарини маҳкам белга боғлаган ҳолда кутиб олмоқда. Республикамиз меҳнаткашлари умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, юбилейга янгидан-янги меҳнат туҳфалари тайёрламоқдалар. Туркманистоннинг шаҳар ва қишлоқларида юксак меҳнат кўтаринкилиги авж олган. Саноатимиз ой сайин планларини ошириб бажармоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари пилла, қорақўл тери ва бошқа кўпгина маҳсулотлар тайёрлаш йиллик планларини ошириб адо этишди. Пахта етиштиришда янги марраларни кўзлаб турибмиз. Республика партия ташкилоти жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб бориб, коммунистларни ва барча меҳнаткашларни олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар этмоқда.

Туркман халқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қур ва тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қардош халқлар оиласида баҳт топганлиги, гуллаб-яшнаётганлиги билан бениҳоя фахрланади. Буюк ва жонажон Ватанига нексиз содиқ бўлган халқимиз совет халқлари дўстлигини юксак қадрлайди ва бу дўстликни кўз қорачиғидай асрайди. Зотан, совет халқларининг бирлиги, Ленин партияси тезарагига монолит жипслашганлиги давлатимиз қуч-қудратининг гаровидир.

МАХТУМҚУЛИ ЮРТИНИНГ БАХТИ
●
ҚОРАҚУМНИНГ ҚУМУШ ҚАМАРИ
●
БИРИ-БИРИГА УСТОЗ, БИРИ-БИРИГА ШОГИРД.



## БАХТ ДАРЁСИ

(ФОТОРЕПОРТАЖ)

Қорақум — мамлакатимиздаги тенги йўқ ва жаҳондаги энг йирик саҳролардан. У Туркманистоннинг тўртдан уч қисмига яқин майдонини эгаллайди. Жанубда Копетдоғ ёнбағридан шимолда Хоразм воҳасигача, шарқда Амударё водийсидан ғарбда Ғарбий Узбой ўзанигача бўлган жойда ястаниб ётади. Жами майдони 350 минг квадрат километрдан ҳам ошади. Бу майдонга Буюк Британия, Италия, Норвегия сингари давлатларни бемалол сиғдириш мумкин.

Яқин-яқинларгача шундай беёён майдонда тирик жондан асар ҳам кўринмасди. Тўғри-да, қумни қанча кавламанг, сув чиқмагандан кейин қандай қилиб ҳам ҳаёт бўлсин бу ерларда?! Туркманлар жаҳонда энг чуқур қудуқлар қазиб, бунинг эвазига бир қултум сув олишган. Ҳеч бир механизмсиз қўлда зим-зиё чуқурликдан бир челак сувни олишнинг машаққатини ҳис эта оласизми? Шунинг учун бўлса керак, туркманлар «Ҳар томчи сув олмоса тенг» дейишади. Ҳа, бунинг ҳеч бир муболағаси йўқ.

Қорақумда яқин-яқинларгача 20 мингта катта-кичик қудуқлар бўлган. Сувни чиғириқ билан туяларда тортиб чиқаришган.

Шунга қарамай, туркманлар деҳқончилик қилиш ниятидан сира қайтишмаган. Бу ерда деҳқончилик маданиятининг беш минг йиллик тарихи мобайнида беш юз минг гектарга яқин ерга сув чиқарилган. Энди юксалиш суръатига қаранг; республика халқ хўжалигини ривожлантириш перспектив планида суғориладиган майдонларни 1,5 миллион гектарга етказиш мўлжалланган! Ўтмишда бу афсона, хом хаёл бўлиб туюлиши мумкин эди. Ҳозир реал ҳақиқат. Бизнинг замонамизда минг йилликлар давомида қилинадиган иш ўнлаб йилларда амалга ошмоқда.

Қорақум канали Амударёдан бошланиб, Каспий денгизигача бўлган 1400 километр масофада оқиши керак. Бундай улкан ишни амалга оширишга илгарилари ҳам уриниб кўрилган эди. Жумладан, 1906 йили инженер Г. П. Сазонов Мурғоб водийсини суғориш ғоясини илгари сурганди. Лекин ўлкани оби-ҳаётга сероб қилиш совет давридагина амалга ошди. Туркманистон Советларининг 1925 йил февраль ойида Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин иштирок этган биринчи съездидаёқ Аму сувини инсон измига буйсундириш зарурлиги таъкидланган эди.

1940 йилда Иттифоқ ҳукумати ва Коммунистик партиямиз Мурғоб ва Тажан ҳавзаларига Амударё сувини чиқариш ҳақида қарор қабул қилгандилар. Лекин уруш бошланиб кетиб, бу иш орқага чўзилди. 1947 йили қурилиш яна бошлаб юборилди.

1954 йил апрель ойида СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг қарори билан Қорақум каналн қурилиши жадаллаштириб юборилди. Баҳт дарёсини қуришда мамлакатимиздаги 36 миллат вакиллари қатнашди. Иттифоқимизнинг 202 шаҳридан техника ва қурилиш материаллари узлуксиз келиб турди. Каналнинг 840 километрлик уч навбат қурилиши ниҳояти 6 йилда битказилди! Бундай суръатни ҳали тарих кўрмаган эди.

Қум барханлари, жазирама ва сувсизликда қаҳрамонона иш олиб борилди. Оби-ҳаёт ерга шундай юқ бағишладики, канал қурилишига кетган маблағ атиги 4 йил ичида батамом қопланди. Канал замонамиздаги ноёб иншоотлардан биридир. 1965 йили канални бунёд этганлардан бир группаси Ленин мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлганлиги бежиз эмас.

Сув бор жойда ҳаёт бор. Баҳт дарёси саҳро ўлкасининг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Кўчма қумлар ўрнида яшил далалар пайдо бўлди, боғ-роғлар гуллаб-яшнади, беёён пахтазор майдонлари юзага келди. Канал бўйлаб янги-янги колхоз ва совхоз посёлкалари қад кўтарди. Амударё суви 150 минг гектар қақраб ётган ернинг олтин сандиғини очди, юз минглаб гектар яйловларга жон бағишлади.

Умумхалқ қурилиши эса давом этмоқда. Замон Фарҳодлари Амударёни Каспий денгизига етаклаб бормагунларича тиниб-тинчимайди. Улар нефтчилар шаҳри — Небитдоғ шаҳрига оби-ҳаёт бериб, юз минглаб гектар қўриқ ерларни унумдор пахтазорларга айлантиришмоқчи.

Канал қишлоқ хўжалигидагина эмас, нефть, нефть химияси ва химия саноатини янада юксалтиришга туртки бўлади.

Шу кунларда каналнинг тўртинчи навбати қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Хўш, канал Туркманистонга нима берди? Аввало шуни айтиш керакки, республиканинг пахта етиштириш бўйича Иттифоқимизда иккинчи ўринга чиқиб олганлигида Баҳт дарёсининг ҳиссаси катта бўлди. Ўтган йили қардош туркман биродарларимиз Ватанга 920 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Туркманистон ҳам яқин бир-икки йил ичида «оқ олтин» етиштиришда миллионер республика бўлиб олиши турган гап.

Қорақум — жаҳонда тенги йўқ канал бўлади. Лекин ҳозир — ундан икки қисми қуриб битказилгандан кейин ҳам унинг муъжизасига ҳамма тан бермоқда. Фотосуратларда ҳам бу нарса аён кўриниб турибди. Юқоридаги суратда каналдан Ашхабоддаги Карл Маркс номли майдонга олиб келинган сувдан марварид сочиб отилаётган фонтанни кўриб турибсиз. Ўртадаги суратда «Москва» совхозининг бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари йўлдаёқ концертни бошлаб юборган пайти акс этган. Унинг тагидаги суратда эса «Байрамали» санаторийсида ҳордиқ чиқараётган ленинградлик Г. Концевой, В. Матвеева ва П. Прудников канал қирғоғида «ўлжа»ни қўлга киритишган пайти, пастдаги суратларда «Туркменгипроводхоз» институти директори О. Саркисов, бош инженерлар К. Ефремов, В. Мишченко, В. Захарченко, катта инженер М. Отаболов каналнинг тўртинчи навбати қурилишини муҳокама қилишмоқда. Унинг ёнидаги суратда эса, қудратли водоговодлардан саҳрога сув чиқариб берилмоқда.

**А. НАБИХЎЖАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

**Тошкент — Ашхабод — Тошкент.**

## ВАТАН МЕҲРИ

**«Мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат коммунистик жамиятни барпо этиш учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Совет кишиси ана шу миллат ва элатларнинг қай бирига мансублигидан қатъий назар, аввало, Совет Социалистик Республикалари Буюк Иттифоқининг граждани эканлиги билан фахрланади».**

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг эллик йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қароридан).

1931 йил баҳорини сира унутмайман. Ёшгина йигит эдим. Ўшанда Марғилон ипак комбинатида ишлаб чарчамай юрган кезларим эди.

Бизнинг ёшлик ва ўсмирлик йилларимиз жонажон мамлакатимиз ва Совет давлатининг ёшлик йилларига тўғри келди. 30-йиллар бутун мамлакатда кенг миқёсда халқ хўжалигини тиклаш ва бунёд этиш учун кураш борар, кўз ўнгимизда янги шаҳарлар, посёлкалар, электростанциялар қад кўтарарди. Мамлакатнинг янги бошланган ҳар бир улкан қурилиши ҳақида биз ўша куниёқ эшитардик ва биз давр ёшлари бу қурилишларнинг истиқболи ҳақида фикр юритар, қизғин баҳслашардик. Айни пайтда ҳар бир улкан ишда қатнашгимиз, мамлакатнинг катта юмушида ўзимизнинг бирон ҳиссамизни қўшгимиз келарди.

Худди ўша йиллари Чоржўйда ипакчилик фабрикаси ишга тушганлиги ҳақидаги хабар Марғилонга етиб келди. 1931 йилнинг апрель ойидаёқ Чоржўйдаги ипак комбинати қурилишида ишлай бошладим. Жонажон шаҳрим ва дўсту-биродарлардан узоқ Чоржўйга етаклаган мақсад нима бўлди? Ёшлик романтикасими ёки орзулар саробими? Менимча, ун да романтика бор-у, лекин ҳал қилувчи куч эмас. Мени ва мен каби мамлакатнинг ўнлаб шаҳарларидан фабрикага окиб келган юзлаб навқирон қалбларнинг она-Ватанга муҳаббати беқиёс эди. Шу сабабли ҳам мамлакатнинг қайси чеккасида бўлмасин, юк оғир жойларда Ватанга мададкор бўлиш ёш қалбларнинг орзуси эди.

Ватанпарварлик туйғуси мени ҳам узоқ Марғилондан Чоржўйга етаклаб келди. Янги фабрикада иш осон кўчгани йўқ. Фабрика гувалали паст бинода жойлашган эди. Ўша даврнинг замонавий техникаси ҳисобланган бешта станок билан қуролланган фабрикада ишларнинг асосий қисми қўлда бажариларди. 500 га яқин ишчи бўлишига қарамай, малакали кадрлар бармоқ билан санарли эди.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг узоқ шаҳарларидан мен билан бирга ўнлаб мутахассислар келишди. Биз ўз тажрибаларимизни бир-биримиз билан баҳам кўриб, фабрикада иш унумини ошириш учун елкама-елка туриб курашдик. Ёш туркман йигитларига ўз ҳунаримизни ўргатдик. Бир қисм ёшлар эса Москва, Иваново, Ленинград ва бошқа йирик тўқимачилик марказларига ўқишга жўнадилар. Чоржўй ипакчилик фабрикасини бутун мамлакат қўллаб-қувватлади. Ватаннинг турли шаҳарларидан янги станоклар, қурилиш материаллари ва мутахассислар тинимсиз келиб турди.

Бу ерда кўз ўнгимдан ўтган ҳамма воқеаларни эслар эканман, юрагим қувончларга тўлиб кетади. Мана, 41 йил бўлибди мана шу даргоҳга қадам қўйганимга. Совет кишилари қанча қаҳрамонликлар ва жасорат кўрсатдилар. Энди кенг ва ёруғ цехларга кирганда, кўз қувонади. Ақлли машиналар бирдек текис гувиллаб, энг оғир меҳнатларни осонгина бажаришяпти. Инсон энди уни бошқариб ва кузатиб турса бас. Ҳозир комбинатимизда қанча станок борлигини ҳисоблаб етиш қийин. Ишчи мутахассислар армияси эса 3 минг кишини ташкил этади. Уларнинг асосий қисми ёшлар. Эндиги ёшларнинг кўпчилиги ўрта ва олий маълумотга эга.

Комбинатимиз ишлаб чиқариш қудрати йил сайин ортиб бормоқда. 1931 йилда биз ишлаб чиқарилган газмолни 10 минг метр атрофида ҳисоблаган бўлсак, энди маҳсулотимиз миллион метрлар билан ўлчанади. Шу беш йиллиқда комбинат коллективи 30 миллион метрдан кўпроқ ипакбўюм ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Бу фақат чоржўйлик тўқимачиларнинг кучи билангина қўлга киритилгани йўқ. Биз ҳар бир қадамда кўп минг сонли дўстлар ва қардошлар ҳамкорлигини ҳис қиламиз.

Комбинатга келган ҳар бир киши бу ерда дўстлик нақадар чуқур қарор топганлигининг гувоҳи бўлади. Дўстлик қудрати бу ерда ҳар қадамда намоён. Мен ўзбекман, Туркманистон эса менинг Ватаним бўлиб қолди. Мен шу ерда йигитликнинг энг жўшқин даврини, меҳнатдаги қайноқ кунларимни ўтказдим. Менинг сафимда руслар, туркманлар, озарбайжонлар, татарлар, қозоқлар, украинлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари меҳнат қилишмоқда. Туркманистон тупроғи улар учун ҳам Ватан бўлиб қолди. Чоржўй ипакчилик комбинатини беёён Совет мамлакатининг ҳамма жойларидан келган навқирон кучлар воғага етказди, улкан ишлаб чиқариш корхонасига айлантирди. Биз бу ерда дўстлар орттирдик ва дўстликнинг қудратини ҳис қилдик. Шу ерда Ватан туйғусини чуқурроқ тушундик.

Менинг ҳамма қувонч ва ташвишларим мана шу комбинат остонаси билан боғлиқ. Мен бу ерда слесардан катта бригадирга қадар бўлган шонли меҳнат йўлини босиб ўтдим.

Она-Ватан мана шу даргоҳда менинг кўксимга Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақиб қўйди.

Атрофимда дўстларим, турли миллат вакиллари, тенг ҳуқуқли баҳтиёр кишилар. Мен уларсиз баҳтимни бутун тасаввур қилолмайман. Мен ва менинг ветеран дўстларим баҳтли тақдиримиз учун она-Ватанга, жонажон партия ва ҳукуматга ташаккур айтамиз. Ватан туйғусини, дўстлик ва қардошлик ҳисларини қалбимизга қуйган Коммунистик партияга, Улуғ Ленинга раҳмат!

**Д. ТОШПЎЛАТОВ,**
**Чоржўй ипакчилик комбинатининг ветерани, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.**



### ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

1925 йил 14 февралда Бутун Туркманистон Советларининг I съезди Туркманистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлигини эълон қилди ва СССР составига кириш тўғрисидаги декларацияни қабул қилди.

Республика территорияси 488 минг квадрат километр бўлиб, катталиги жиҳатидан Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Украинадан кейин тўртинчи ўринда туради. Аҳолиси 2 миллион 30 минг кишидан кўпроқ бўлиб, мамлакат аҳолисининг 0,8 процентини ташкил этади.

* * *

Совет ҳокимияти йилларида аҳолининг ўсиш суръатлари беқиёс бўлмоқда. 1940 йилда ҳар минг киши ҳисобига ўсиш 17 кишини ташкил этган бўлса, орадан 25 йил ўтгач, бу рақам 30 га етди.

* * *

Туркманистон пахта етиштиришда мамлакатда иккинчи ўринга чиқиб олди. Ўтган йили давлатга 920 минг тонна пахта сотилди. Туркманистон меҳнаткашлари 1 миллион тонналик маррани эгаллашга азми-қарор қилганлар.

# ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

*Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз чорвадорлари оҳангаронликлар ташаббусига қўшилдилар*

**Оҳангарон районининг чорвадорлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, юксак марраларни белгиладилар. Оҳангаронликлар ташаббусига қўшилган колхозимиз чорвадорлари беш йилликнинг янги уфкларини белгиладилар. Шунга кўра беш йилликда гўшт етиштириш уч баравар, сут етиштириш икки баравар кўпаяди. Подада сигирлар сони 630 бошдан 1200 бошга етказилади. Ҳар сигирдан 3500 килограмм сут соғиб олинади. 500 гектар янги ер ўзлаштирилиб, бу майдонга озуқабоп экинлар экилади. 4500 тонна сенаж, 13 минг тонна силос бостирилади. Чорвачиликдаги иш жараёнлари тўла механизацияла шади.**

Мамлакат қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг конкрет программаси КПСС XXIV съезди қарорларида, тўқкизинчи беш йиллик планда жуда равшан белгилаб берилган. Халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ етиштиришни, ҳамма тармоқларни комплекс ривожлантиришни тақозо этяпти.

Колхозимиз — кўп тармоқли хўжалик. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлмиш пахтачилик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Саккизинчи беш йилликда 40 минг тоннадан кўпроқ, яъни планда белгиланганидан 10 минг тонна ортиқ пахта етиштирилди. Ўтган йили пахтанинг ялпи ҳосили 9067 тоннага, ҳосилдорлик қариб 44,5 центнерга етказилди. Машиналар бункеридан 4300 тонна «оқ олтин» тўкилди.

СССРнинг 50 йиллик юбилейи шарафига бу йил пахтачиликда 45 центнерли маррани эгаллаш, мамлакатга 9100 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олдик. Шу кунларда зўр бериб ҳосилга ҳосил қўшмоқдамиз, юксак мажбуриятнинг бажарилиши учун замин яратмоқдамиз.

Пахтачилик билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам равнақ топяпти. Чорвачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш бизда рентабелли бўлиб қолди. Ўтган йили умумий даромад 5 миллион сўмдан ошди. Экономиканинг жадал тараққиёти колхоз қишлоғини шаҳар типида қайта қуриш учун кенг имкониятлар очиб берди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларимиз умуман яхши кетяпти. Лекин, биз партиямиз таълим берганидек, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлашимиз, асосий эътиборни етилган ва ҳал этилмаган вазифаларга қаратишимиз, шу тарзда янги юксак марраларни эгаллай боришимиз керак.

Бизнингча, жамоат чорвачилигини ривожланиш суръатлари пахтачиликдаги довруғимизга яраша эмас. Областимизнинг кўпчилик хўжаликларида моллар тўёғини кўпайтириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш план топшириқлари қониқарсиз бажарилмоқда. Давлат чорвадорларга жуда катта моддий-техника ёрдами кўрсатаётган, колхоз ва совхозлар экономикаси тараққиётнинг кенг йўлига чиқиб олган ҳозирги шароитда жамоат чорвачилигида қолоқликнинг давом этишига ҳеч қандай асос бўлиши мумкин эмас.

Эндиликда пахтачилик сиғлари чорвачиликни ҳам зўр бериб юксалтириш, унинг рентабеллигини ошириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш вақти келди. Бунинг асосий омиллари нимада? Қандай резервларни ишга солишимиз керак. Биз ана шу масала устида фикр юритиб, мавжуд имкониятларни ҳисоба олган ҳолда, дастлабки мажбуриятларимизни қайта кўриб чиқдик ва унда белгиланган кўрсаткичларни анча ошириш мумкин, деган хулосага келдик. Янги режаларимиз ва уни амалга ошириш ҳақида қуйида тўхталамиз.

Колхозимизда планда кўзда тутилган 2550 бош ўрнига 2973 бош қорамол, 4300 кўй, 4500 та парранда, 1000 дан ортиқ қуён бор. Подада сигирлар сони кам бўлиб, 630 бошдан иборат. Биз сигирлар сонини келаси йил 800 бошга, 1974 йилда 1000 бошга, 1975 йилда эса 1200 бошга етказиш, ҳар сигирдан бу йил 2000 килограмм, келаси йил эса 2500 килограмм, 1974 йилда 3000 ва 1975 йилда 3500 килограмм сут соғиб олиш вазифасини ўз олдимизга қўйдик.

Мамлакатга 100 тонна гўшт етказиб бериб, йиллик планни адо этдик. Келаси йил 200 тонна, 1974 йилда 300 тонна, 1975 йилга бориб 400 тонна бўрдоқи гўшти тайёрлаш, шу жумладан 30 тонна қуён ва 20 тонна чўчқа гўшти етиштириш режалари белгиланди.

Биз, бу режаларни амалга ошириш учун даставвал, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтирамиз. Ҳозир 290 гектар майдонда беда, 145 гектар майдонда маккажўхори ўстириляпти. Яна 500 гектар янги ерни ўзлаштириб, озуқабоп экинлар экилади. 150 гектар ерда маккажўхори дони етиштирамиз. Ҳар йили 4500 тонна сенаж, 18 минг тонна силос бостириш кўзда тутилмоқда. Омухта озуқалар цехи ишга туширилади. Шу тарзда чорвамиз етарли озуқа билан таъминланади.

480 сигирга мўлжалланган сут-товар фермасини қуриб, унда бутун иш жараёнларини механизациялаштирганмиз. Парандахона ҳам механизациялашган бўлиб, унда 5000 товуқни бир киши асраяпти. Янги бузоқхона, чўчқахона қурилди. Биз механизациялашган чорва бинолари қурилишини давом эттирамиз. Бу чорва маҳсулотлари таннархини анча камайтириш имконини беради. Сигирлар зотини яхшилаш — сутни кўпайтиришнинг муҳим шарти. Фермамиз яна 200 бош зотли сигир олади. Гўшт учун боқиладиган моллар вазнини ошириш чораларини кўрмоқдамиз.

Чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, фермаларни малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш каби омиллардан ҳам моҳирлик билан фойдаланамиз. Буларнинг ҳаммаси чорвачиликнинг юксалтириш соҳасидаги янги режаларимизни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

**И. ДЎСОВ,**
колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
**Н. МАШАРИПОВ,**
партия комитетининг секретари.
**С. ҲАИИТОВ,**
ферма мудири.

ЎЗБЕКИСТОН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

# ЯККАБОҒНИНГ БИР БОҒИ

Бободеҳқонларимиз Яккабоғда минг бир боғ бор деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта. Ўша минг бир боғнинг бири «Яккабоғ» боғдорчилик совхозидир. Бу совхоз маҳсулот етиштириш салмоғи жиҳатидан райондагина эмас, Қашқадарё областида йирик мевачилик хўжаликларидан бири ҳисобланади. Совхознинг азамат боғбонлари тўқкизинчи беш йилликнинг иккинчи босқичида элгурт дастурхонига планда кўзда тутилган 1400 тонна ўрнига камида 2000 тонна ширин-шакар узум ва 2800 тонна ўрнига 4000 тонна нақш олма армуғон этиш мажбуриятини зиммаларига қабул қилган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдадар.

Улкан режаларни муваффақиятли амалга оширишларида Азиз Ядиханов бошқарувчилик қилаётган иккинчи бўлим боғбонларининг ҳиссаси салмоқлидир. Бўлим меҳнаткашлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг ярим асрлик тўйи шарафига авж олдирилаётган умумхалқ мусобақасига актив қўшилиб, 87 гектар майдондаги токзорлардан пландаги 920 тонна ўрнига 1500 тонна узум ва 225 гектар ердаги олмазорлардан 1610 тонна ўрнига 2000 тонна олма йиғиштириб олишга азму қарор қилганлар.

Бўлимдаги икки узумчилик ва уч олмачилик бригадаларининг ҳаммасида юксак ваъда устидан чиқиш учун кураш эрта кўкламданоқ бошланди. Олма дарахтларини ва токлар юқори агротехника талаблари даражасида парваришланди. Қатор оралари 8 центнердан суперфосфат ва азот, 15 тоннадан чиринди гўнг билан озиқлантирилди. Тўрт марта қондириб суғорилди ҳамда тўрт марта зараркунандаларга қарши дорилаиди.

Қилинган фидокорона меҳнат натижасида ҳамма ерда мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Бўлим боғбонлари мева йиғим-теримига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрдилар. 45 та нарвонча, 500 дона саватчалар, 60 минг донаб яшчик ва бошқа нарсалар муҳайё этилди.

Сергайрат боғбонлар эрта пишар олма ҳосилини йиғиштириб олишга ва эл дастурхонига етказиб беришга катта уюшқоқлик билан киришдилар. Қўлга киритилаётган ютуқлар қувончли бўляпти.

Азамат соҳибкорлар севикли Ватанимизнинг Москва, Ленинград, Новосибирск, Свердловск, Хабаровск singari йирик саноат шаҳарларига пландаги 325 тонна ўрнига 550 тонна олма жўнатиб, эртаги олма етиштириш соҳасидаги социалистик мажбуриятни ҳам ошириб ўринлатдилар.

Дастлабки ғалабанинг қўлга киритилишида Меҳнат Қизил Байроқ орденли Сайкал Жонқобилова, Ҳадича Омонова, Қорасоч Исмоилова, Қизилгул Абдиева, Ризолат Каримова, Обод Болтаева ўртоқлар singari олма теруючилар, Хўжам Иброҳимов, Суюн Замирқаев, Қурбон Хўжақулов каби теджкачилар ва Мустафо Каримов, Мурод Собиров, Саъдулла Ҳасанов, Ҳусан Содиқов, Турсун Жабборов singari ишчилар, айниқса муносиб ҳисса қўшдилар.

Боғларда кузги олма ва узум ҳосилини йиғиштириб олишга намунали тайёргарлик кўрилаётир.

**Ҳ. ТУРДИЕВ,**
**А. КАРИМОВ.**

## ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ҚУРИЛИШИДА

**Суратларда: (юқоридан пастга) 1. Тошкент метрополитенининг «Муқимий» станцияси қурилишига қизғин ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилаётир. Смена маркшейдери Анатолий Ольховик иш устида. 2. «Муқимий» станциясининг биринчи участкасида котлован қазилаётган пайт. 3. «Фарҳод» станциясида проходка шитлари учун камералар тезкорлик билан монтаж қилинаётган пайт акс эттирилган.**

**И. Глауберзон фотолари.**

ЎЗБЕКИСТОН ОРОМГОҲЛАРИ

# ЧОРТОҚ ЛАВҲАЛАРИ

Қаергаки, нисон назари тушдими — бас, ўша ернинг истиқболи порлоқ бўлади. 1946 йилда бирбирига тўғри ога-инидек суяниб ётган Чортоқ адирларига ҳам инсон назари тушди. Нефть қидирувчилар келишди. Тупроққа тухум кўмса пиширадиган жазирама кунларда «олтин сандиқ»ларнинг бирига калит солинди — бурғулаш аппарати қўйилди. Кутилган нарса — нефть ўрнига нурдек отилиб сув чиқди. Қидирувчилар мазза қилиб чўмилишди... Қидирувчиларнинг бири анча йиллардан бери ярадан азоб чекиб келарди. Адирдан чиққан сув ана шу жафокашнинг баданидаги жароҳатига даво бўлди. Буни беш-ўн кундаёқ аниқ сезди. Бу гап оғиздан-оғизга ўтди.

Ниҳоят, сирли сув ҳақидаги хабар Тошкентга — Соғлиқни сақлаш министрлигига, шунингдек, Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтига етди. Чортоқ оғизга тушиб қолди. Бу ерга махсус экспедиция келди. Сувнинг таркиби, жойнинг иқлими ўрганилди. «Шифо сув, антиқа иқлим! Курортга арзигулиқ!» — экспедициянинг хулосаси ана шундай эди. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг, область партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари Чортоқ билан шуғуллана бошладилар. Бу ишга Усмон Юсупов бош-қош бўлди...

— «Чортоқ» санаторийси тарихида, — дейди курортнинг бош врачи Аҳмаджон Сайдалиев, — 1953 йил алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўша йили Усмон ота «Чортоқ» билан астойдил шуғулланди. Воқеа бундай бўлган эди. Май ойида қаттиқ сел ёғиб, районда анчагина пахта майдони вайрон кўрди. Ўша кунларда Наманганга келган Усмон Юсупов табиат офатига қарши мардонавор курашаётганлар қузурида бўлди. Ушанда вақт топиб «Чортоқ»қа ҳам келди. У бош врач билан узоқ суҳбатлашди.

— Биласизми, ўртоқ бош врач, — деди Усмон ота, — «Чортоқ» Ўзбекистоннинг тўнғич курорти бўлади. Бу тўнғич фарзанд, дегандек гап. Уни воягa етказиш учун тўнғич фарзандини яхши кўрган ота-она муносабати талаб қилинади. Қандай ёрдам керак бўлса, ана тайёрмиз.

... Бу суҳбат 1953 йилда бўлган эди. Орадан уч кун ўтгач, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари ўртоқ Шомуродов бошлиқ уч киши «Чортоқ»қа келди. Улар кетгандан кейин керакли жиҳозлар ва қурилиш материаллари кела бошлади. Лекин Усмон Юсуповга берилган ваъданинг устидан тезроқ чиқиш, яъни 150 ўринли бино топиш керак эди. Чунки август ойида республика Министрлар Советининг мажлисида бош врач рапорт бериши белгиланганди.

— Августда, — дейди ўртоқ Сайдалиев, — Тошкентга чақирилдим. Министрлар Советининг мажлисида рапорт бердим. Усмон ота хурсанд бўлиб кетдилар. «Чортоқ»нинг истиқболи шу мажлисда узил-кесил ҳал бўлди. Шундай қилиб, курортимизнинг оёққа туришида Усмон отанинг хизматлари бениҳоя катта.

«Чортоқ»дамиз. Унинг тарихи бошлангандан бери амалга оширилган ишлар «манаман» деб турибди. Бир томони адирларга туташиб кетган, иккинчи томони шўх Чортоқсой қиргоқларига булутдек ёпирилиб тушган 120 гектарли боғ-рог қишлоқ роҳат бағишловчи шабада ва аста чайқалади. Мана, махсус даволаш хоналари. Улар тўрт камерали ванна, «Луч-58» қисқа тўлқинли диатерапия ашаратлари, бошқа турли хил даволаш воситалари — медицина асбоблари билан жиҳозланган, 40 ваннали бальнеологик хоналар ҳам эътиборни жалб қилади.

Курорт билан танишишда давом этамиз. Беш бўлим бор: ошқозон-ичак, тери, бугин-томир ва асаб-томир касалликлари бўлимлари. Уларга энг яхши мутахассислардан Еқуб Юнусов, Турдиали Улуғхўжаев, Файзулла Мақсудов, Обруй Бобоноров, Римма Бахтиёровалар бошчилик қиладилар. Умуман, курортчиларга 300 дан ортиқ киши хизмат кўрсатади.

Уларнинг аксарияти, ишчан, самимий, ғамхўр; билимдон, малакали кишилар. Врачлар тез-тез малака ошириш курсларида бўлиб турадилар. Врач Ғубайдуллина медицина фанлари кандидати унвонини олиш учун диссертация ёқлади. Врач Суяров аспирантурада ўқияпти.

Айтгандай, «Чортоқ»нинг яқиндагина очилган яна бир янги фазилати бор. «Чортоқ»дан ичиладиган минерал сув чиқибди. Состави Кавказ сувларидан қолишмайди. Шифобахш. Истеъмолчилари ҳам тобора кўпайиб боряпти.

Ҳа, «Чортоқ» ҳали камол топади. Янги-янги қирраларини кўрсатади. Кўплаб ихлосмандларига соғлиқ ато қилади, куч-қувват бағишлайди.

**Х. ҚУРОНБОЕВ, Б. БОЙҚОБИЛОВ, О. ХОЛДОРОВ, А. ҚУРОНБОЕВ.**

## ҒАЛЛА ЎРИМИДА ҚАТНАШИШ УЧУН

**Қозоғистон қўриқ ерликларига ғалла ўрим-йиғимида ёрдамлашиш учун Бухоро областидан бир гуруҳ комбайнчилар жўнаб кетишди. Механизаторлар ўзлари билан бирга комбайнларни ҳам олиб, бормоқдалар. Улар ўз колхоз ва совхозларида ғалланы шу комбайнлар билан ўрган эдилар. Ўзбекистон ғаллакор районларининг 500 тажрибали механизатори Қозоғистонда кузги ёғингарчиликлар бошланишидан олдин ғаллани ўриб олишда қозоқ комбайнчиларига кўмаклашмоқ учун у ерга боришга аҳд қилдилар. Улар Қарағанда ва Павлодар областлари хўжаликларининг далаларидаги донли экинларни ўриб-йиғиб берадилар.**

**Бухоролик механизаторлардан сўнг Сирдарё, Самарқанд ва бошқа областларнинг комбайнчилари ҳам Қозоғистонга жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).**

## ҲАШАРОТГА ҲУЖУМ

**УЙЧИ. «Совет Ўзбекистони» муҳбири].** Ҳашарот пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлидаги жиддий тўсиқдир. У деҳқоннинг бутун йил давомида қилган меҳнатини йўққа чиқаради, экинни ривожланишдан тўхтатиб қўяди. Беш йилликнинг иккинчи йилида она-Ватанга 50 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга азми-қарор қилган район пахтакорлари ғўза парваришини кун сайин кучайтириш билан бир қаторда ҳашаротларга қарши қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

Районда зараркунандаларни тутатиш билан шуғулланувчи оператив штаб тузилган. Штабга район Совети ижроия комитетининг раис ўринбосари ўртоқ Н. Абдуллаев бошчилик қиляпти. Штаб аъзолари улар сигнали асосида зарур чоралар кўряпти. 2 та самолёт, 33 та «ОТН» ана шу мақсад учун хизмат қилмоқда. Ҳозиргача район хўжаликларида 17000 гектар майдоннинг ғўзаси ҳашаротга қарши ишланди.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ.**

## Солдат МАКТУБЛАРИ

### АЪЛОЧИ АВИАТОР

Солдат зиммасидаги вазифа шарафли ва оғир. Бутун кучғайратини, иродасини ишга солишни талаб қилади. Турғунжон Содиқов ўз бурчини бажариш учун ҳар қандай қийинчиликни ҳам енгаоладиган йигит. Шу сабабли у сафдошлари орасида алоҳида ажралиб туради. Турғунжон авиация қисмида солдатлик бурчини виждонан бажариб, жанговар ва сиёсий тайёргарлиқ аълочилари сафидан жой олди.

**К. МУҲИДДИНОВ.**

### ҚУЛИ ГУЛ ЙИГИТ

Биз ҳарбий қурувчилар қисмида хизмат қиламиз. Шу кунларда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлаш учун ғайрат билан ишлаяпмиз. Бу соҳада айниқса Нўъмонжон Мирзакаримовнинг хизмати мақтовга лойиқдир. У бўёқчи бўлиб ишлайди. Нўъмонжоннинг қўли етган жойга файз киради. Ефрейтор Мирзакаримов қўлдан чиқарган хоналарда бўёқлар жило бериб туради. Нўъмонжон меҳнатдагина эмас, жанговар тайёргарликда ҳам пешқадам. Яқинда у командирлик томонидан қўл соати билан мукофотланди.

**У. ЗУЛУНОВ.**

### ФЛОТ ДЎСТЛИГИ

Улуғ Ватанимизнинг денгиз чегараларини муҳофаза қилишдек шарафли вазифани уддалаётганимиздан фахрланамиз. Қисмимизда 16 миллат фарзандлари хизмат қиляпти. Флот дўстлиги қонуни бўйича бирбиримиздан ёрдамимизни аямаймиз, бу дўстликнинг самарали таъсирини ҳаммадан кўпроқ биз ўзбек матрослари биламиз. Чунки қисмга келганимизда рус тилини унча яхши билмасдик. Ҳозир эса рус йигитлари ёрдамида бу улуғ тилни мукаммал ўрганиб олдик. Ҳарбий хизматни адо этишда ҳам бу дўстлик кучимизга куч қўшмоқда. Шу туфайли андижонлик Иноможон Қўшмоқов, Маннон Абдуллаев, наманганлик Шукуржон Турғунов ва бошқа ўзбек йигитлари ҳарбий денгиз флоти аълочиси деган ном олдилар.

**Қ. СУЛАЙМОНОВ.**

* * *

Редакцияга беноён Ватанимизнинг турли жойларида ўз йигитлик бурчини адо этаётган ёшлардан кўплаб хатлар келмоқда. Оддий солдатлар Умурзоқ Андақулов, Мақсуд Соҳибназаров, Мамадали Мўминов, Абдурашид Эшматов, Орифжон Иноятов, Т. Мадумаров, Абдураҳим Наимов, ефрейторлар Исо Ражабов, Чори Хўжамбердиев, сержант Ўрол Доноев ва бошқалар ўз қуролдош дўстларининг муваффақиятлари ҳақида илиқ сўзлар ёзиб юборганлар.

# ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

Яқинда Сирдарё областининг Пахтакор районида бахтсиз ҳодиса юз берди. «81-52 СИБ» номерли «ГАЗ-51» маркали автомашинанинг ҳайдовчиси А. Аметов машинани маст ҳолда бошқариб бораётиб қаршисидан келаётган «МАЗ-200» маркали машинага бориб урилди. Шофёр оғир яралар бўлди. У касалхонага ётқизилди.

Афсуски, республикамиз йўлларида бундай кўнгилсиз воқеалар ҳамон бўлиб турибди. Бундай транспорт-йўл ҳодисалари сабабларини ўрганганимизда, бахтсизликларга асосан ичкиликбозлик сабаб бўлаётганлиги аниқланди. Яна бир мисол келтириб ўтайлик. Шу йил 23 июлда кеч соат 11 да Учқудуқ қишлоғи территориясида ҳам бахтсиз ҳодиса рўй берди. Учқудуқ темир йўл хизматчиси маст бўлишига қарамай, «ИЖ-56» маркали мотоциклни бошқариб борарди. Шунисе характерлики, маст ҳолда машина бошқарувчилар «мардлик» қилиб, гезлиқни оширади, ҳар қандай эҳтиёткорликни ҳам унутиб қўяди. Бунинг устига маст киши хавфни дарҳол сеза олмайди, сезганда ҳам вақтида унинг олдини олиш иложини қилолмайди. Шу тарзда мотоциклда тез бораётган Н. Ахтаев йўлнинг бурилиш жойида ағдарилиб кетади. Ахтаев ҳам, мотоцикл коляскасида ўтирган Дўсбоев ҳам дарҳол касалхонага жўнатилди. Лекин Ахтаев касалхонага етиб келолмади. Йўлда кўз юмди.

Шу фактларнинг ўзи ҳам автотранспортни маст ҳолда бошқариш ҳолларига бутунлай чек қўйиш, кўча-йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишни таъминлаш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Давлат автоинспекцияси ходимлари бу соҳада катта ишларни амалга оширмоқдалар. Кўча ҳаракати қоидаларини мустаҳкамлаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кейинги вақтларда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, партия ва ҳукуматимиз ташаббуси билан шу йил 1 мартдан 31 мартгача Ўзбекистон ССР территориясида. 15 майдан 15 июнгача Бутуниттифоқ миқёсида ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилди.

Бу ойликлар давомида транспорт ҳайдовчилар, йўловчилар ва кенг жамоатчилик ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар сезиларли даражада яхшиланди. Шунингдек ойлика кўпгина автохўжаликлар, корхона ва ташкилотлар коллективлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари ва транспорт ҳайдовчилар иштирокида кўча ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузувчиларга нисбатан чоралар кўрилди. Бунинг натижасида республикамизда кейинги вақтларда йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши бир мунча камайди.

Лекин, бахтсиз ҳодисалар бутунлай юз бермайдиган бўлиб қолди, деб айта олмаймиз. Чунки ҳали орамизда меҳнат интизомини, кўча, йўл ҳаракати қоидаларини бузувчилар учраб турибди. Спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда автотранспорт бошқараётганлар ҳамон учрамоқда.

Спиртли ичимлик транспорт бошқарувчиси учун ашаддий душмандир. Беш ой ичида республикамизда 6 мингдан ортиқ транспорт бошқарувчиси маст ҳолда транспорт бошқариб борётганда ушланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Бу ишда давлат автомобиль инспекцияси жамоатчи автоинспекторлари хизматини алоҳида таъкидламоқ керак. Улар бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда, ичкилик ичиб, рул олдига ўтирганларни ўз вақтида огоҳлантиришда давлат автоинспекциясига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳозирги вақтда бундай жамоатчи автоинспекциялар сони республикамизда 10 минг кишидан ошиб кетди. ГАИ ходимлари А. Қўқонбоев, М. Машталер, А. Ашуров, Ҳ. Абишев каби жамоатчи автоинспекторларни яхши биладилар ва уларнинг ёрдамини қадрлайдилар.

Лекин кўпгина автохўжаликларнинг раҳбарлари ҳайдовчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тарбиявий ишларни кучайтириш учун тегишли чораларни кўрмаяптилар. Худди ана шундай ташкилотларда ҳайдовчилар автотранспортни бошқариш қоидаларини бузмоқдалар. Масалан, республика Коммунал хўжалиги министрлигидан беш ҳайдовчи, тайёрлов министрлигидан уч ҳайдовчи «Ўзбекбирлашув» бошқармасидан етти ҳайдовчи маст ҳолда транспорт бошқариб бораётганда қўлга тушганлар.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги фармони давлат автоинспекцияси ходимларига катта қўлланмадир. Улар бу қарор ва фармонларнинг сўзсиз бажарилиши учун курашмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги фармонига асосан кейинги ойларда маст ҳолда автомашина бошқарганлар учун 1080 кишига жарима солинди, 3 минг 720 ҳайдовчи турли муддатгача транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Республика давлат автоинспекцияси ходимлари ичкиликбозлик натижасида кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз бермаслиги учун самарали чораларни кўраверадилар.

**А. ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

## «ИШ ЎРНИГА ҚОҒОЗБОЗЛИК»

**Газетамизнинг шу йил 4 июль сонида юқоридаги сарлавҳа билан чиққан танқидий мақолада Самарқанд областида ёш хотин-қизлар билан ишлаш ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги активлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишларда ютуқлар билан бир қаторда жиддий нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётгани конкрет фактлар ёрдамида очиб ташланган эди.**

**Мақола юзасидан Ўзбекистон КП Самарқанд область комитети редакциямизга қуйидагиларни ҳабар қилди:**

**Тақширишда мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди.**

**Ўзбекистон ЛКСМ Самарқанд область комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюросида келтирилган фактлар муҳокама этилиб, область Совети ўз фаолиятини суғиришо юборгани ёш хотин-қизлар ўртасида олиб бораётган сиёсий тарбиявий ишлар, уларни ватанпарварлик интернационализм рухида тарбиялаш активлигини ошириш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳақиқатан талабга жавоб бермаётгани қайд қилинди.**

**Айрим район комсомол комитетлари ва ёш хотин-қизлар билан ишлаш Советларининг аъзолари ёш қизларнинг маданий-маиший ҳаёти билан етарли қизиқмаётиргар. Айрим жойларда советлар хўжа кўрсингагина тузиб қўйилган. Бюро область Советига хотин-қизлар орасида сиёсий тарбиявий ишларни кучайтириб, уларнинг активлигини ошириш чораларини кўриш зарурлигини топшириш билан бирга, Каттақўрғон, Жомбой, Пастдарғом район комсомол комитетлари ёш хотин-қизлар орасида олиб бораётган ишлари мутлақо қаноатланарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.**

**Шунингдек мақола область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлимида ҳам кўриб чиқилиб, хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишлар савиясини яхшилашни кўзда тутган тадбирлар белгиланди. Жумладан область бўйича кўчма клуб ташкил этилиб, унга партия, совет, комсомол ходимлари, лектор, врач, ҳукуқшунос, адабиёт ва санъат ходимлари жалб этилди. Кўчма клуб шу кунгача 8 районда бўлиб, лекция ва консультациялар ўтказилди. Бундан хотин-қизлар айниқса хурсанд.**

СЎЗ — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ ШАХМАТ ВА ФУТБОЛ ШАРҲЛОВЧИЛАРИГА

# ЯНА ДУРАНГ

1924 йил. Рус гроссмейстери Александр Алёхин катта умид боғлаган Нью-Йорк халқаро турнири ҳам якунланди. Лекин натижа у мўлжаллагандек бўлмади: салкам олтмиш ешга бориб қолган собиқ жаҳон чемпиони, фалсафа ва математика фанлари доктори Эммануэл Ласкер биринчи, шахмат тахтига чиққанига уч йил бўлган Хосе Капабланка иккинчи, ҳамма нарсадан кечиб бутун ҳаётини шахмат тожи учун курашга тиккан Алёхин эса учинчи ўринни эгаллайди. Бу билан тождорни яккама-якка баҳсга қўндириш нияти яна барбод бўлганини сезган рус чемпиони қаттиқ алам чека бошлайди. Шу орада у кекса ғолиб билан учрашиб, дардини ошкор этади. Бу воқеа гроссмейстер А. Котовнинг «Оқлар ва қоралар» романида шундай тасвирланган:

«Ласкер бир оз ўйлаб, сўнг деди:

— Ҳозирги замонда энг нераги — реклама. Уялмасдан, одамларнинг нўзига мана ман деб ўзини кўрсатиш керак. Бошқалар сизни мақтамаса, ўзингизни ўзингиз мақтанг...

Шундай китобни ёзиб чиқарингки, у: «Алёхин — гений» деб жар солсин оламга...

Алёхин қаршисида шахматнинг ўзидек улкан ва ақл-идроклн одам ўтирарди».

Алёхин ажиб чаққонлик курсатди. Жаҳоннинг ҳамма жойида шахмат ҳаваскорлари «Мининг энг яхши партиялари» деган унинг янги китобини очиб, биринчи сатрлариданоқ мафтун бўлдилар. «Жаҳонда ҳеч ним шахмат тошларини бунақа қилиб ўйнай олмайди!» деган хулосага келдилар.

Орадан кўп ўтмай бу тадбир ўз самарасини берди: 1927 йилнинг кузида Буэнос-Айресдаги машҳур матчда «енгилмас» деб ном чиқарган Капабланкани ютган Алёхин тахтга минди.

Роберт Фишер ҳам худди шундай йўл тутди. 1969 йилда «Мининг олтмиш унутилмас партияси» номли китоби нашр этилди. Яқинда эса Москва нашриётларидан бири бу китобнинг русча таржимасини чиқарди.

16-партияда оқ доналарда ўйнаган Фишер испанча ўйнининг 50 йил муқаддам Ласкер амалга оширган вариантларидан бирини танлади. Аммо бу вариантнинг даъвогари қайтадан таҳлилдан ўтказган ва кўпчиликка урф бўлиб қолган йўллари намойиш этилди. Бундан жаҳон чемпиони хабар топмасмиди?! 17-юришдан сўнг қуйидаги вазият рўй берди:

Орадан яна 12 юриш ўтгач, тахтада томонларнинг битталдан рухи, биттадан фили ва тўрттадан пиёдаси қолди. Белгиланган беш соат давомида гроссмейстерлар қирқ юриш ўрнига олтмиш юриш қилдилар ва охири дурангга имзо чекдилар.

Мана, ўн биринчи учрашувдан бошлаб чинакам тенг кучлилар кураши давом этмоқда. Кейинги олти ўйинда ҳар қаисси учтадан очко олди. Матчнинг умумий ҳисоби энди даъвогар ҳисобига 9,5-6,5 бўлиб қолди. Навбатдаги ўн еттинчи партия бугун ўйналади. Оқ доналар бу гал — Спасскийники.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

# САФАРИНГ БЕХАТАР БЎЛСИН!

Тошкентлик футбол муҳлислари ўз севимли командалари билан энди «Пахтакор» стадионида бир ойдан кейин — 19 сентябрда қардош Туркманистоннинг «Строитель» командаси билан беллашиш учун майдонга тушганда учрашадилар. Ўтган шанба куни пахтакорчилар Харьковнинг «Металлист» командаси устидан 3:0 ҳисобида ғалабага эришиб яна бир бор ишқибозларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Гарчи ғолиблар шаънига танқидий мулоҳазалар айтиш жоиз бўлмаса ҳам, пахтакорчиларнинг ўйинида тўпни аниқ оширолмаслик, бир-бирини тушунмаслик, айниқса охирги дақиқаларда шошиб қолиб, кўп қийинчиликлар билан олиб келинган тўпни дарвозага тўғри йўналтиролмаслик ҳоллари сезилиб турарди. Учрашувнинг биринчи ярмида пахтакорчилар катта устунликка эга бўлганлари ҳолда ҳисоб очилмаганлигининг боиси ҳам мана шундадир.

Ўйиннинг иккинчи ярмида пахтакорчилар суръатни бир оз тезлаштиришлари биланоқ «Металлист» дарвозасига кетма-кет тўплар ёғила бошлади. 55-минутда Кузьмин ҳисобни очди. Орадан 6 минут ўтар-ўтмас Абдураимов ғоятда қийин бўлган вазиятда иккинчи тўпни дарвозага йўналтирди. Эсанкираб қолган меҳмонларнинг ҳимоячилари қўполликка ўта бошладилар. Мусобақанинг арбитри икки ҳимоячини огоҳлантиришга, кейинчалик бирини майдондан чиқариб юборишга мажбур бўлди. 90-минутда Абдураимовнинг 11 метрлик белгидан тепган тўпи билан ўйин якунланди.

Олдинда — Эдесса, Кишинев ва Фрунзе шаҳарларига бир ойлик сафар. Қани энди сафарда ҳам пахтакорчилар худди шанбадаги ўйинда бўлгани каби жонбозлик кўрсатиб, рақибларни саросимага солсалар, қани энди «Черноморец» билан биринчи даврадаги мағлубиятнинг ҳисоб-китобини қилиб қайтсалар. Подадан олдин чанг чиқариб Одессадаги учрашув ҳақида гапираётганимизнинг боиси фақат мағлубият учун реванш олишдагина эмас, балки асосий мақсад — олий лига йўлланмасини қўлга киритиш учун олиб борилаётган машаққатли курашнинг ҳал қилувчи дақиқаларидан бири ва энг муҳими эканлигидадир. Ўйиндан-ўйинга ҳужумкорликни ошириб катта ҳисоблар билан ғалабага эришаётган «Нистру» командаси билан бўладиган учрашув ҳам пахтакорчилар учун ўнғай бўлмайди. Ниҳоят, сафардаги сўнгги учрашув «Олга» билан.

Келинг турнир жадвалига назар ташлаб, «Пахтакор»нинг сафар олдидаги «багаж»ини саҳ ҳисоб қилайлик.

| КОМАНДАЛАР | У | Т | О |
|---|---|---|---|
| «Пахтакор» | 25 | 45—16 | 39 |
| «Черноморец» | 24 | 45—22 | 33 |
| «Звезда» | 25 | 30—25 | 30 |
| «Шахтер» Д. | 24 | 29—13 | 29 |
| «Шинник» | 24 | 25—19 | 29 |
| «Торпедо» | 24 | 33—19 | 28 |
| «Помир» | 25 | 32—33 | 27 |
| «Спартак» | 24 | 28—27 | 26 |
| «Олга» | 25 | 26—19 | 25 |
| «Кр. Советов» | 25 | 21—24 | 25 |
| «Металлист» | 24 | 24—25 | 23 |
| «Шахтер» Кр. | 25 | 26—31 | 23 |
| «Автомобилист» | 24 | 19—25 | 22 |
| «Нистру» | 24 | 26—27 | 21 |
| «Строитель» | 25 | 24—40 | 21 |
| «Текстильщик» | 24 | 22—35 | 20 |
| «Динамо» | 24 | 18—30 | 19 |
| «Металлург» | 24 | 29—33 | 18 |
| «Кривбасс» | 24 | 29—46 | 16 |
| «Уралмаш» | 25 | 19—41 | 14 |

Пахтакорчиларнинг ҳозирги мақаллари яхши эканлиги жадвалдан яққол кўриниб турибди. Бунда бош тренер В. Соловьев раҳбарлигидаги команда аъзоларининг хизмати катта, албатта. Атиги бир йил бурун Любарцевдан бошқа тузукроқ дарвозабонга эга бўлмаган команда ҳозир Пшеничников бошчилигидаги талантли дарвозабонларга эга. Ҳимояда тажрибали Штерн ва Ишченко билан бир қаторда Турғунов, Мўминов, Басов каби ёшлар ўйнамоқда. Ярим ҳимоядаги Ан ва Ивановларни, айниқса ҳужумда Абдураимовга мададкор бўлаётган талантли ўйинчи Федоровни айтмайсизми. Шанбадаги учрашувда (Иноятовнинг тренерлик ишига ўзатилганлиги. Исҳоков, Говоров ва Лисаковскийлар даволанаетганлигига қарамай) бош тренернинг уч ўйинчини алмаштириш имкониятига эга бўлганлиги—Солохо, Хожипанакис, Турғуновлар ўрнини Иванов, Иванков ва Басовлар эгаллаганлиги команданинг резерви яхшилигидан далолат бериб турибди. Шундай бўлса ҳам сафар-сафарлигини қилади-да. Рақиблар майдонида очко ғўллаш қийинлигини «Пахтакор»нинг бундан олдинги Пермь ва Свердловскка қилган сафарларининг натижаси ҳам эслатиб турибди. Мақсадимиз битта — «Пахтакор» сафарда ҳам ўз уйидагидек ғолиб бўлиб ўйнаса. Шундагина «биринчилик»дан «олий лига»ка кўтарилиши мумкин. Ажаб эмас, келаси йили командамизнинг талабчан муҳлислари яна трибуналарга сиғмай қолиб, стадионни кенгайтириш ҳақидаги бир вақтлар кўтарилган миш-мишлар яна юзага чиқса. Шунинг учун ҳам «Пахтакор»ни кузатар эканмиз, сафаринг бехатар бўлсин, деймиз.

• • •

Ўтган шанба куни яна саккизта шаҳарда учрашувлар бўлиб ўтди:

«Помир» — «Шинник» —0:0, «Шахтер» (Д) — «Кр. Советов» — 0:0, «Олга» — «Текстильщик» — 0:1, «Строитель» — «Динамо» — 0:2, «Автомобилист» — «Уралмаш» — 2:0, «Торпедо» — «Шахтер» (Кр)— 3:1, «Спартак» — «Звезда» — 3:1, «Черноморец» — «Кривбасс» — 2:1.

А. МАЪЗУМОВ.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬЮ-ЙОРК. Майами-Бич шаҳрида (Флорида штати) республикачилар партиясининг съезди очилади. Шаҳарда ҳарбий ва полиция қисмлари тўпланмоқда. Булар Ҳинди-Хитойдаги урушни дарҳол тўхатишни яна бир марта талаб қилмоқ учун бу ерга келган америкаликларни бостиришга шайланиб турибди.

Майами-Бичга «тартиб сақлаб турмоқ» учун миллий гвардиянинг 3000 нафардан кўпроқ солдати, махсус тайёрланган 2500 нафар десантчилар ва денгиз пиёдалари, Флорида штати губернаторининг ихтиёридаги қўшинлар, шунингдек юзлаб полиция чилар келтирилди.

● НЬЮ-ЙОРК. «Генерал моторс» компаниясининг Огайо штатидаги Норвуд шаҳрида жойлашган автомобиль заводида тўрт минг ишчи бошлаган иш ташлаш 135 кундан бери давом этмоқда. Йилнинг биринчи ярмида рекорд бўларли миқдорда фойда олган бу гигант концерн ўз корхоналарида меҳнатни интенсивлаштириш программасини амалга ошириб, «ошиқча» ишчиларни ишдан бўшатиб юбормоқда. Иш ташлаган автомобилсозлар ниҳоят даражада ошириб юборилган ишнормаларини қайта кўриб чиқишни, шунингдек иш ҳақини нўпайтиришни талаб қилмоқдалар.

● БУХАРЕСТ. Руминия бинокорлари яқинлашиб келаётган миллий байрамни — Руминия фашистлар асоратидан озод қилинган кунни янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олмоқдалар. Бу байрам ҳар йили 23 августда кенг нишонланади.

Бинокорлар саноат қурилиши йиллик планини ҳозир 64 процент бажариб, 180 тадан кўпроқ янги ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топширдилар. Бу объектларнинг 12 таси муддатидан анча олдин қуриб битказилди. Қурилишларда меҳнатни уюштириш такомиллаштирилганлиги, янги технология жорий қилинганлиги ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланилаётганлиги туфайли румин бинокорлари қўшимча равишда 11 миллион лейлик металл, цемент ва ёғоч тахта тежашга муваффақ бўлдилар. (ТАСС).

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

## СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

### «ТИССА-2» СИНОВДАН ЎТМОҚДА

БУДАПЕШТ. Экскаваторлар, кучли ер қазиш машиналари тупроқ дамбасини очиши билан Тисса суви очиқ шлюзлар орқали инсон қўли билан яратилган, дарёнинг янги, уч километрли ўзанидан тез оқа бошлади. Кишкере яқинида қурилаётган Тиссадаги иккинчи энг йирик гидросистемани фойдаланиш учун синаб кўриш шу тарика бошланди.

Гидроузелнинг уч асосий объекти — жуда катта темирбетон тўғон, кемалар қатнаши учун шлюзлар, шунингдек гидроэлектростанция қурилиши аллақачон тугалланди. Бутун гидросистема фойдаланишга топширилганидан кейин Тисса суви билан Венгриянинг улкан Алфельд паст текислигидаги 300 минг гектардан кўпроқ қурғоқчил ерларни суғориш мумкин бўлади, гидроэлектростанция эса йилига 100 миллион киловатт-соат электр энергияси берадиган бўлади.

Кўп ўтмай бу ерда 127 квадрат километр майдонни эгаллаган сунъий кўл пайдо бўлади. Бу сув омбори бутун бир районнинг қиёфасини ўзгартириб юборади — боғлар, майдонлар яшнаб кетади, санаторийлар ва дам олиш уйлари қад кўтаради.

### «ЛЕТ»НИНГ РЕКОРДИ

ВАРШАВА. Польшадаги «Лет» авиакомпанияси самолётлари йилнинг биринчи ярмида, деди «Лет» бош директори В. Виляновский Польша граждан авиациясининг ривожланишига бағишланган матбуот конференциясида, етти юз мингдан кўпроқ кишини ташиди. Бу эса рекордли ўтган йилнинг шу даврида ташилган пассажирлар сонидан йигирма беш процент кўпдир.

Йилнинг иккинчи ярмида эса бундан ҳам кўпроқ пассажир ташилади, чунки бир неча кундан кейин «ИЛ-18» лайнерлари мамлакатнинг ички линияларига чиқади. Бу самолётлар оммабоп ва қулай бўлган «АН-24» совет самолётлари билан бирга пойтахтдан Краковга ва Вроцлавга парвоз қиладиган бўлади.

Польша авиакомпанияси бир йилдан ҳам кам вақт ўтгач, АҚШга мунтазам рейсларни йўлга қўяди деб таҳмин қилинмоқда. Польша авиакомпанияси шу йилнинг охирида Варшава билан Мельбурн ўртасида самолётларнинг мунтазам қатнов йўлини очиши муҳим воқеа бўлади. Бу эса Европа ва Австралия қитъалари ўртасидаги энг қисқа йўл бўлади. Мельбурнгача парвоз атиги йигирма уч соат давом этади.

### ГДР ДАЛАЛАРИДА

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу йил қарийб 2,5 миллион гектар майдондаги донли экинларни йиғиштириб олишлари керак. Улар ихтиёрида 13,5 мингта комбайн ва кўп миқдордаги бошқа қишлоқ хўжалик техникаси бор. Мамлакатнинг айниқса шимолий районларида ёққан жала ва қаттиқ шамол, шунингдек экинларнинг ётиб қолганлиги ўрим-йиғим ишлари айни қизиб кетган даврда катта қийинчиликлар туғдирди. Аммо шунга қарамай, кооператор деҳқонлар ҳосилни сира нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиштириб олишга қатъий қарор беришган.

### ЯНГИ КВАРТИРАЛАР

БУХАРЕСТ. Бухарест бинокорлари шу кунларда 1120 тадан кўпроқ янги квартирани буюртмачиларга топширишни тугалламоқдалар. Пойтахтнинг Колентин деб аталган янги кварталидаги аҳоли ҳаммадан кўп ҳовли тўйларини ўтказишади. Бу янги микрорайон Бухарест—Констанца тош йўли бўйида барпо этилмоқда. Бу микрорайонда 15 мингта квартира, маиший хизмат кўрсатадиган кўплаб корхоналар ва маданият муассасалари бўлади. (ТАСС).



Вьетнам Демократик Республикасининг шаҳар ва қишлоқларига Америка авиацияси ва Вьетнам қўғирчоқ армияси кучлари тўхтовсиз бомбалар ёғдириб туришибди. Суратда: Хайфондаги портлатилган шаҳар бозори ва автобус станциясининг кўриниши.

ВИА—ТАСС фотоси.

# ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

## АГРЕССОРЛАР ЖИНОЯТИ

Жафокаш Вьетнам диёри Америка бомбалари, снарядлари ва миналарининг портлашларидан ҳамон ларзага келмоқда. «Ҳозир ер куррасининг шу районида бўлаётган воқеалар, — деди АҚШ конгрессида сенатор Эдвард Кеннеди, — бутун инсониятга таллуқли фалокатдир». Америка авиацияси қабиҳ уруш йиллари мобайнида Ҳинди-Хитой ерига 7 миллион тонна бомба ташлаганлиги шу фалокат миқёсидан далолат беради. Бу иккинчи жаҳон урушининг ҳамма фронтларида ташланган бомбалар салмоғидан уч баравар ошади.

Америка ҳарбийлари Вьетнамда бутун мажмудотни қириб юборишга қаратилган чинакам қирғинчилик уруши олиб бормоқдалар. Корнелл университети олимларидан бир гуруҳининг ҳисоблаб чиқишича, Жанубий Вьетнамда Америка бомбардимончи самолётлари жанговар операцияларининг 10 процентигина ердаги қўшинлар ҳаракатини қўллаб-қувватлашга тўғри келади. Қолган 90 процент бомба зарбалари тинч объектларга ва граждан аҳоли бошига ёғдирилмоқда. Америка ҳарбий-ҳаво кучлари аҳолини кўплаб қирмоқ учун золдир бомба ва контейнер бомбалар ташламоқда. Америка империалистларининг Вьетнамдаги жиноятларини текширувчи комиссиянинг маълумотларига кўра, сўнгги уч ярим ой ичидагина дамбаларнинг 58 та муҳим участкаси ва 46 та сув иншоотлари, 60 та мактаб, 32 та медицина муассасаси ва 30 ибодатхона вайрон қилинган.

Пентагон Вьетнамни ҳақиқатда одамкушлик уруши олиб бориш методлари синаб кўриладиган ўзига хос бир майдонга айлантирди. Бир қанча йиллар мобайнида Ҳинди-Хитойда дефолиантлар ва гербицидлар каби химиявий уруш воситалари кенг қўламда қўлланиб келаётганлиги ҳаммага маълум. Бунинг натижасида Жанубий Вьетнам территориясининг 15 проценти тақир чўлга айлантирилди. Ҳозир Пентагоннинг бир маҳфий доклади ошкор бўлиб қолди. Шундан равшан бўлишича, Америка генераллари ўтқазилган тажрибалардан «гоятда мамнундирлар» ва ер куррасининг бошқа районларида, шу жумладан Европа қитъасидаги «кризисли вазиятларда», шу тажрибадан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Курашаётган Вьетнам билан бирдамликка бағишланган ва бутун ер куррасн бўйлаб тарқалган ҳаракат барча яхши ниятли кишилар Пентагоннинг хатарли ниятлари амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқ ва маҳкам бел боғлаганликларидан далолат беради. Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам муайян доиралар хушёр тортаётганлиги кузатилмоқда. Бу ерда собиқ «қаттиқ йўл» сиёсати тарафдорларининг кўпларн АҚШ учун Вьетнам проблемасини ҳал этувчи фақат биргина йўл — музокаралар олиб бориш йўлигина мав жудлигини тушуна бошламоқдалар. Америка конгрессида агрессияни авж олдириш тўхтатилсин ва АҚШнинг ҳамма қуролли кучлари Вьетнамдан олиб чиқиб кетилсин, деган талаб тобора қаттиқроқ эшитилмоқда. Ҳозир Қўшма Штатларда бошланиб кетган сайлов олди курашида Вьетнам проблемаси очиқдан-очиқ биринчи ўринда турган масала бўлиб қолмоқда.

## АҚШ САЙЛОВГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

АҚШда сайлов олди кампанияси ҳал қилувчи паллага кирди. 21 августда Майами-Бичда (Флорида штати) ҳукмрон республикачилар партиясининг съезди очилади. Никсон ҳукуматининг кўпгина министрлари ва партия раҳбар арбоблари шу ерга бориб олишди. Улар президент сайловида республикачилар қўйдиган сиёсий платформа лойиҳасини муҳокама қилишда қатнашмоқдалар. Президент сайлови ноябрь бошларида бўлади.

Америка матбуотининг фикрича, ҳукмрон партия сайлов олди программаси ижодчиларининг вазифаси осон вазифалардан эмас. Демократик оппозиция раҳбарларининг сўнгги нутқларидан кўринишича, улар Вьетнамда охири кўринмаётган урушдан Америка халқининг кенг доиралари норозилигидан юз процент кўп фойдаланиб қолиш ниятидадир. Шундай шароитларда республикачилар найранг ишлатишларига тўғри келмоқда. сайлов олди платформасини тайёрлаш комиссиясининг мажлисида сўзлаган мудофаа министри Лейрд урушни «вьетнамлаштириш» деб аталган ва чиппакка чиққан йўлни давом эттиришни ҳарчанд истаган бўлса-да, сенатор Жавитс Американинг ҳамма қўшинларини, шу жумладан ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш мажбуриятн программада ёзиб қўйилсин, деб таклиф қилди.

Американинг кўпгина шарҳловчилари бир нарсага эътиборни жалб қилдиларки, комиссия Майами-Бичда мажлис қилиб турган пайтда АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Г. Киссинжер дастлаб Вьетнамга бағишланган кенгаш ўтаётган Парижга сафар қилди, ундан кейин Сайгонга бориб АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги қуролли кучлари қўмондони генерал Ф. Унаид ва Американинг Сайгондаги элчиси Э. Банкер билан кенгашди.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Киссинжернинг ана шу сафарини Вашингтон ҳукуматининг Вьетнам сиёсати ҳусусида демократлар қилаётган танқид самарадорлигини бўшаштиришга уринишдир, деб баҳоладн.

Республикачилар ўз елкаларидан «Вьетнам қирғоқларини» ташлаб юборишга қийналаётган бўлсалар, демократларнинг ҳам ўз проблемалари бор. Бу проблемалар биринчи навбатда ўз сафларидаги катта бузилиш билан боғланган. Макговернинг қарашларига қўшилмаган бир гуруҳ арбоблар амалда партиядан чекиниб, «Никсон тарафдорлари бўлган демократлар» комитетини тузди ва собиқ молия министри Ж. Коннэлли шу комитетга бошлиқ бўлди.

Макговерн номзоди Америка меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш қасаба союзларн конгресси, деб аталмиш катта касаба союз бирлашмасига ўнг раҳбарларининг бошлиқлари учун ҳам тўғри келмади. Ҳолбуки ушбу бирлашма илгари ҳамиша демократларни қўллаб-қувватларди. Шу шароитларда демократик партия раҳбарлиги ўз тарафдорларини иложи борича жипслаштириш ва айрим касаба союзларни ўз тарафига жалб этишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билмоқда. Ҳозир 6,5 миллиондан ошиқ аъзоси бўлган 23 та тармоқ касаба союзлари Макговернни қўллаб-қувватлашини айтди. 2,1 миллион кишини бирлаштирган икки касаба союз Р. Никсонни қўллаб-қувватлаб чиқди.

## ПАНАМАДА ШОНЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Латин Америкасидаги кичкина бир давлат — Панама миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида, мамлакатни Америка империализми ҳукмронлигидан озод этиш йўлида муҳим қадам босди. Яқинда жамоа вакиллари мажлисига ўтказилган сайловда 1968 йилнинг октябридаги ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимият тепасига келган генерал Омар Торрихос ҳукумати элга сурган программани қўллаб-қувватлаётган ташкилот — «янги Панама ҳаракати»нинг номзодлари катта ғалаба қозонди.

Панама сайловчилари Торрихос ҳукумати Панама ўзининг бутун территорияси устидан суверенитетини тиклаш учун, социал ўзгаришлар программасини амалга ошириш учун олиб бораётган курашини қатъиян қўллаб-қувватладилар. Ҳукумат Қўшма Штатлар 1903 йилдаёқ Панамани мажбур қилиб тузган асоратли шартнома бекор қилинишини ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси, деб ҳисоблайди. Ана шу шартномага биноан Панама каналини қуриш учун 1.500 квадрат километр майдонли территорияни АҚШ ажратиб олган эди. Шу туфайли Вашингтон мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлигини ўрната олди. Қўшма Штатлар Панама канали зонасида ҳеч чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлиб, ҳарбий базалар ва лагерлар очди. АҚШ армияси жанубий қўмондонлигининг штаби шу ерда жойлашган. Латин Америкасида ва жаҳоннинг бошқа районларидаги миллий озодлик ҳаракатларини бостирувчи жазо отрядлари шу ерда тайёрланмоқда.

Сайловчилардан мандат олган жамоа вакиллари мажлиси мамлакат президентини, ҳукумати бошлиғини сайлдамоги, Панаманинг қонун чиқарувчи доимий органини тузмоги керак. Мажлис 1946 йилги конституцияни ўзгартириш тўғрисида тарихий қарор қабул қилмоғи ҳам керак. Шу конституциянинг учинчи моддасида Қўшма Штатлар билан тузилган асоратли шартнома мустаҳкамланганди.

Панама ташқи ишлар министри Хуан Антонио Тэк мамлакат олдида турган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида гапириб, чинакам миллий мустақилликка эришиш, Қўшма Штатларни мамлакат территориясидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга мажбур этиш янги ҳукуматнинг асосий мақсади бўлади, деб таъкидлади. «Америка империализми, — деб таъкидлади министр, — барча панамаликлар учун реал ва сезиларли хавфхатар туғдиради».

Панамадаги сўнгги воқеалар Латин Америкаси мамлакатлари халқлари миллий озодлик ва ўйғониш учун кураш йўлида тобора дадил қадам ташлаб бораётганликларининг яққол далилидир.

Г. ШИШКИН,
(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

### БИРИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — ТОШКЕНТ. 11.05 — **Аёз бобо** (бадиий фильм), 12.30 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Кинофильм. 18.15 — Фильм-концерт. 18.55 — Фан ишлаб чиқаришга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Шеърият муҳлисларига. 20.00 — Музей заллари бўйлаб (репортаж). 20.20 — Ахборот 20.35 — Қозоқ музиноси. 21.25 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.00 — «Вақт», 22.30 — **Қочиш** (бадиий фильмнинг 1- серияси).

### ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — МОСКВА. 17.55 — Янгиликлар. 18.00 — Ешлар нжоди. 18.30 — Ихтиролар оламида. 19.00 —Концерт. 20.00 — Опла шарафи. 20.30 — **Қирқ биринчи** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ.

### УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Концерт. 20.45 — **«Виринея»** (бадиий фильм).

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/VIII да **Йўлчи юлдуз**, 23/VIII да **Имон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРДА — 23/VIII да **Тошболта ошиқ**, 24/VIII да **Мининг жаннатим**.

## КИНО

### ҚИШКИ БИНОДА

**Гамильтон хоним** — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11, 3, 5 ярим ва кеч 9.15 минутда), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

**Гул ва тош** (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Фредди, биринчи ур!** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

**Балашш қўшиқлари** — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

**Сўнгги довон** — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

**Петербург билан хайрлашув** — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва кеч 7 яримда), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9 да).

Сангам (2 серия) — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

**Сайҳа** — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

**Озод туғилган** — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

**Ҳаводаги саргузаштлар** (2 серия) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

**Ҳиндуларнинг содиқ дўсти** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

**Виннету — апачлар йўлбошчиси** — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 9.45 минутда).

**Кулгили қиз** — «МОСКВА» (кеч соат 6 ва 8.40 минутда).

### ЕЗГИ БИНОДА

**Балашш қўшиқлари** — «ФЕСТИВАЛЬ».

**Гамильтон хоним** — «ХИВА».

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениеси ва «Саодат», «Гулхан», «Ғунча» журналлари партия, касаба союз ташкилотлари «Ғунча» журналининг рассом-редактори Т. Холмуҳамедовга отаси

Қосим ХОЛМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

# ҲАР ТЎҒРИДА

### БРИЛЛИАНТ НИКОҲ

ВАРШАВА. Яқинда Кошалин воеводлигининг Брусновелки қишлоғида ажиб бир оилавий тантана бўлиб ўтди. 91 яшар София ва 102 яшар Юзеф Климчук оила қурганликларининг 75 йиллигини нишонладилар. Бриллиант никоҳга уларнинг уч ўғли, уч қизи, 25 невараси ва 15 чевараси келди.

### КУТИЛМАГАН ТОПИЛДИҚ

БУХАРЕСТ. Брашов уезидаги Ришнев посёлкаси яқинида йўл қурилиш ишлари олиб борилаётганида ғоят катта бир ғор чиқиб қолди. Ғор гумбази остида 15 қаватли бино бемалол жойлашиши мумкин. Шу ерда ер ости кўли ҳам топилди. Спелеолог олимлар ва сайёҳлар учун ғорнинг аҳамияти катта.

### ДЕНГИЗ ТУБИГА ЭКСПЕДИЦИЯ

БЕЛГРАД. Адриатика денгизи Вис ороли районида, маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бутун Югославия тарихида жуда катта сув ости археологик экспедицияси ўтказилди. Унда археолог олимлар, ғаввослар, аквалангист спортчилар, ҳарбий денгизчилар ва Белград телевидениесининг операторлари қатнашди. Оролдан сал нарида Велика Свитня сув ости чўнмасидан 168 та қадимги кўзалар чиқариб олинди. Уларнинг кўпчилиги жуда яхши сақланган. Олимларнинг фикрига кўра, кўзалар сувда қамида 2—2,5 минг йил ётган. Шу кўзаларни келтираётган қадимги Рим немасининг қолдиқлари ҳам топилди. Кемаларнинг узунлиги 25 метрга, эни эса 6 метрга боради.

### ЧЕМОДАНДА... ТЎТИЛАР

КАНБЕРРА. Австралиянинг Перте шаҳридаги хавфсизлик хизмати ходимлари олиб чиқиб кетиш тақиқланган ғалати бир молни топиб олишди. «Квантас» компанияси самолёти пассажирларининг багажи туширилаётганида чемоданлардан бирида ухлатиб қўйилган 37 та Австралия тўтиси чиқди. Мамлакатдан бундай тўтини олиб чиқиб кетиш қонун билан тақиқланганлиги. Мана шу операция ўнг келганида ишбоши шу гўзал қушлар учун ҳалқаро бозорда бир неча минг доллар пул олган бўлур эди.

### 20 МИНГ КИЛОМЕТР МАРАФОН

ТОКИО. 30 яшар итальян Роберто Биссининг Римдан Токиога пиёда етиб боргунича (20 минг километр) 14 ой ўтди. Унинг йўли Урта Шарқ ва Осиёнинг 16 мамлакати орқали ўтди. У ҳар куни 14 соат чамаси йўл юриб борди.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Ёнизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши —333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —334451. Маҳаллий ахборот ва спорт— 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация— 334524. Стенографистка—337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор —330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро —3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 55—35. Урганч — 34—55. Фарғона — 4—29—44.

Б. — 196. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 04409.